



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Азиз юртдошлар!
Юртимиз мўмин-мусулмонлари ва бутун халқимизни Ер юзидаги ислом уммати томонидан кенг нишонланаётган улуғ ва муборак айём — Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Эл-юртимиз учун инсонпарварлик, сабр-қаноат, хайру саховат ва шукроналик тимсоли бўлган ушбу кутлуғ байрам кунларида барчангизга ўзимнинг чукүр ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, кейинги бир йилдан зиёд вақт давомида бутун дунё мамлакатлари қатори жонажон Ўзбекистонимиз ҳам пандемия билан боғлиқ мураккаб синовларни бошидан ўтказмоқда.

Бундай шароитда Рамазон ойи ва ҳайит байрамининг моҳиятида мужассам бўлган меҳр-мурувват, эҳтиёжманд тоифаларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатиш, ҳаёт таъвишлари ва муаммоларини биргаликда, ўзаро елкадош бўлиб ҳал этишдек олижаноб қадриятлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзининг миллий урф-одат ва анъаналарига содиқ, меҳнаткаш ва саховатли халқимиз ана шундай юксак фазилатларни яққол намоён этиб, муқаддас Рамазон ойини тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳам-жихатлик муҳитида ўтказгани ҳамда ушбу эъзозли айёмни катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётгани унга алоҳида файзу шукӯҳ бағишламоқда.

Бугунги кунда кенг кўламли ислохот ва туб ўзгаришлар натижасида янгила-ниб бораётган юртимизда халқ билан мулоқот, инсон ҳуқуқ ва манфаатла-рини, жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш давлат сиёсати даража-сига кўтарилиб, бу борада улкан чо-ра-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, халқимиз-нинг бой ва қадимий диний-маъна-вий меросини тиклаш ва фаол тарғиб этиш, буюк аждодларимизнинг табар-рук қадамжоларини обод қилиш бўйи-ча олиб борилаётган салмоқли ишлар-ни алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида — калом илмининг атоқли намоянда-си Абу Муин Насафий, Наманган ви-лоятида — тасаввуф таълимотининг йирик вакили Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида Сузук ота ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Қўллаб масжидлар, мадраса ва диний обида-лар қайта қурилмоқда ва таъмирлан-моқда, пойтахтимиздаги Ислom цив-илизацииси маркази қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Муборак Рамазон ойда яна бир ул-кан хайрли ишни бошлаганимиз — буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорийнинг Самарқанд вилоятидаги ёдгорлик маж-муасини ул зотнинг мусулмон оламида-ги беқиёс обрў-эътибори ва нуфузига муносиб ҳолда барпо этишга киришга-нимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Миллий тарихимизда биринчи марта кўп жилдли “Ислom” энцикло-педияси нашр этила бошлагани ҳам муқаддас динимизнинг асл мазму-н ва моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш йўлидаги муҳим қадам-дир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишлари-миз янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, Ватанимиз рав-нақи, халқимиз фаровонлигини оши-ришдек эзгу мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, барча юртдошлари-мизни ана шу ғоялар атрофида янада бирлаштиришга хизмат қилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Муҳтарам дўстлар!
Бугунги шиддатли замон барча жаб-ҳалар қатори диний-маърифий соҳада ҳам олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Айниқса, дунё миқёсида рақобат тобора кескинлашиб, барқарорликка нисбатан таҳдидлар жиддий тус ола-ётгани бизни доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшашга, фарзандларимизни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашдек ғоят масъулиятли ишга ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият беришга даъват этмоқда.

Зеро, ислом дини — аввало, тинч-лик ва дўстлик, аҳиллик ва бирдамлик, билим ва маърифат динидир. Мана шу олий ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бугунги осуда ҳаётимизнинг қадри-га етиш, жамиятимизда ҳукм сураётган турли миллатлар ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенг-лики, фуқаролар орасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш барчамизнинг асосий бурчимиздир.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмуд-хўжа Беҳбудийнинг **“Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозим-дур”**, деган сўзлари бугун ҳам дол-зарб аҳамиятга эга.

Бинобарин, диний қадриятларимиз-ни, миллий ўзлигимизни улуғлаб яшаш билан бирга, давр талаби бўлган за-монавий илм-фан ютуқлари, ахборот технологияларини эгаллашга алоҳида эътибор қаратишимиз, ёш авлодимиз-ни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашимиз керак.

Хурматли улаомларимиз, имом-ха-тибларимиз, ота-оналар, устоз-мураб-бийлар, муҳтарам нурунийларимиз — кенг жамоатчилик яқин ҳамкорликда бу борада янада фаол ва самарали иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!
Аллоҳ таолонинг марҳамати ёғила-диган ушбу барокатли ва нурафшон кунда сизларни яна бир бор азиру му-каррам Ййдул фитр билан чин дилдан табриқлайман.

Дунёнинг узоқ-яқин мамлакатлари мусулмонларини ҳам самимий қўллаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишига тилақдошман.

Меҳнаткаш ва оққўнли халқимиз-нинг мўътабар моҳи Рамазонда қил-ган барча эзгу ният ва дуолари ижобат бўлсин!

Жонажон Ватанимизни, азиз халқи-мизни Яратганнинг Ўзи паноҳида асра-син!

Рамазон ҳайити барчамизга мубо-рак бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбар-лари Рамазон ҳайити муносабати билан бир-бирларини самимий кут-ладилар. Ушбу муқаддас айёмнинг барча мусулмонлар учун алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этиб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва рав-нақ тилақларини изхор қилдилар.

Президентлар икки томонлама муносабатларнинг долзарб маса-лаларини батафсил муҳокама қил-дилар. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитда кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривож-ланиб бораётгани таъкидланди.

Хусусан, турли даражаларда ўза-ро алмашинув ва мулоқотлар фаол-лашди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 40 фоизга ортиди, 164 та янги қўшма корхона ташкил этилди, ҳудудлар ўртасида ҳамкор-лик йўлга қўйилмоқда. Самарқанд шаҳрида Туркия консулиги ўз иш-ни бошлади. Қўшма маданий-гу-манитар дастурлар, шу жумладан, таълим, кинематография ва спорт соҳаларида амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йигилишини ўтказишга пухта тайёр-гарлик қўриш муҳим эканини қайд этдилар.

Шу мақсадда келгуси ойда Тош-

кент шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йигилиши ҳамда бизнес форум ўтказилди.

Бундан ташқари, саноат, энер-гетика, қишлоқ ҳўжалиги, инфрату-зилма, транспорт, туризм, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши қўриб чиқилди.

Телефон мулоқоти чоғида етак-чилар халқро сиёсат масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар Шарқий Қуддусда-ги вазиятнинг кескин тус олиши муносабати билан чуқур хавотир-да эканликларини билдирдилар. Фаластин-Исроил муаммоси халқ-аро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши томонидан ав-вал қабул қилинган резолюциялар асосида тинч йўл билан ҳал этили-ши лозимлиги қайд этилди.

Туркий кенгаш, Иқтисодий ҳам-корлик ташкилоти, Ислom ҳамкор-лик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги шерикликка алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркия Президент-ларининг мулоқоти ҳар доимгидек ўзаро ишонч руҳида, очик ва дўсто-на ўтди.

ЎЗА

БИРИНЧИ ЧОРАКДАГИ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 май куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чорақдаги кўрсаткичлар таҳлили ҳамда жорий йилги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мураккаб пандемия шароитида давлатимиз томо-нидан иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани натижасида иқти-содий барқарорлик, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва иш ўринларини сақлаб қолишга эришилди.

Жумладан, биринчи чорақда мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти 3 фоизга, саноат 3,8 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги 3,1 фоизга ўсган. Давлат бюджети даромад-лари прогнозга нисбатан қарийб 2 триллион сўмга кўпайган. Экспорт ҳажми январь-апрель ойларида 3,2 миллиард долларни ташкил этган.

— Бу кўрсаткичлар, албатта, яхши. Бунга эришиш учун қонунлар, қарорлар қабул қилиб, жуда катта им-кониятлар яратдик, маблағлар бердик. Агар ҳамма тармоқ раҳбарлари “аравани тортиганда”, бу кўрсат-кичлар икки баробар кўп бўларди. Вазирликларнинг “вертикал тизими” ишламаяпти. Вазирларда ташаб-бускорлик, уларнинг ўринбосарларида ваколат ва жавобгарлик етишмаяпти. Коррупцияга чек қўйсақ, ҳойларда тизим ишласа, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари масъулиятини оширса, иқтисодиёт ўзи ривожланади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда айрим тармоқ ва ҳудудлардаги суст-кашликлар кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, биринчи чо-рақда “Ўзавтосаноат”да ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоиз, “Ўзбекнефтгаз” тизимида 4,7 фоиз, чарм маҳсулотлари тармоғида 10 фоизга пасайган. Сўнгги йилда дори-дар-мон ва тиббиёт буюмларига эҳтиёж кескин ошган бир пайтда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 22 фоизга камайган. Шунингдек, 74 та йирик ҳуду-дий корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисба-тан 1,1 триллион сўм камайишига йўл қўйилган.

Давлатимиз раҳбари биринчи ярим ийилқда бун-дай қолоқликларни бартараф этиш, қўшимча захира-ларни топиб, амалда ишга солиш кераклигини таъ-кидлади.

Иқтисодий ўсиш учун, энг аввало, энергия ресурс-лари зарур. Саноат тармоқлари, тадбиркорлар ва аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш учун “Ўзбекнефт-газ” томонидан иккинчи чорақда 9 миллиард куб метр табиий ҳамда 165 минг тонна суюлтирилган газ, “Ис-сиклик электр станциялари” ва “Ўзбекгазэнерго” ти-зимида жами 15,5 миллиард киловатт электр ишлаб чиқариш талаб этилади. Электр техникаси, тўқима-

чилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, фар-мацевтика каби саноат тармоқларида юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар борлиги қайд этилди.

Йиғилишда давлат корхоналарини трансформация қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. “Худуд-газтаъминот”, “Ўздонмахсулот”, “Агросервис”, “Агроли-зинг” корхоналарида трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция ва экспорт масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, жорий йилнинг иккинчи чорағида 75 триллион сўмлик инвестиция-ларни ўзлаштириш, бунинг эвазига 43 та тармоқ ва 2 минг 500 та худудий лойиҳа доирасида янги қувват-ларни ишга тушириш мўлжалланган.

Бу борада енгил саноат тармоғида Асака, Ғиж-дувон, Когон, Қарши, Хатирчи, Қийраб туманлари ва Чирчиқ шаҳрида умумий қиймати 220 миллион дол-ларлик йирик тўқимачилик корхоналарини фойдала-нишга топшириб, 3 мингга яқин аҳолини доимий иш билан таъминлаш режалаштирилган.

▶ Давоми 2-бетда

ШУКРОНА

МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ ШОДИЁНАЛАРИ: ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР, АЗАЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ВА ЎЛМАС АНЪАНАЛАР



Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.
Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда ўз номидан
юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни
муборак Рамазон ҳайити билан чин қалбдан самимий
табриқлайман.

Ушбу кутлуғ айёмда барчамиз, авва-ло, шундай файзли ва барокотли кунлар-га етказгани учун Аллоҳ таолога шукро-налар айтამиз. Муқаддас Рамазон ойда тутган рўзаларимиз, ибодатларимиз қа-бул бўлишини Ҳақ таборак ва таолодан сўраймиз.

Рамазон ҳайити мусулмонларнинг энг улуғ айёмларидаан биридир. У Рамазон ойи тугаб, Шаввол ойи бошланганида нишон-ланади. Рамазон ҳайити “Ййдул фитр” деб ҳам аталади ва рўзанинг тугагини билди-ради.

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўн-гилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **100** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **3** нафари асосий жазо-дан тўлиқ озод этилди, **43** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **10** нафа-рининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **44** нафар шахсга тайинланган озодлиқдан маҳрум этиш жазо-сининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **12** нафари чет эл фуқаро-лари, **4** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **6** на-фарини аёл ҳамда **52** нафарини тақиқланган таш-килотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахслар-ни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шўғулла-нишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жа-миятда муносиб ўрин топишлари учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Биринчи чоракдаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди

Бошланиши 1-бетда

Президент мутасаддиларга ҳар бир инвестиция лойиҳаси ижросини қатъий назоратга олиб, корхоналар ишга туширилишини жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Биринчи ярим йилликда экспорт ҳажмини 5,2 миллиард долларга етказиш имконияти ҳисоб-китоб қилинган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бенефициар бўлган “GSP+” тизими имкониятларидан кенг фойдаланиш, “Оеко-Тех” стандартларига мос тўқимачилик корхоналари сонини кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, халқаро стандартларни жорий этиш бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқиби, маҳаллий корхоналар мутахассисларини ўқитиш ҳам зарур.

Маълумки, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш кун сайин долзарб масалага айланиб бормоқда. Гўшт ва ўсимлик ёғининг жаҳон бозоридagi нархлари бир йилдан буён тўхтовсиз ўсмоқда. Бундай шароитда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиши кўпайтириш керак.

Шу мақсадда чорвачилик йўналишида мингта, паррандачиликда 277 та корхонани ишга тушириш, 1 миллион гектардан зиёд асосий майдонларда ҳамда экинлардан бўшайдиган ерларда сабзавот, картошка, шOLI, полиз ва озуқа маҳсулотларини етиштириш режалаштирилган.

Президентимиз ёғ-мой маҳсулотларига аҳоли талабини қондириш мақсадида жорий йилда 246 минг тонна мойли экинлар етиштириб, 86 минг тонна мой ишлаб чиқариш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Иқтисодий комплексга кирувчи ташкилотларга паст қувватларда ишлаётган тадбиркорлик субъект-

ларига фаолиятини жонлантириш учун кўмаклашиш вазифаси қўйилди. Май-июнь ойларига оилавий тадбиркорлик дастурларига 1,6 триллион сўм маблағ ажратиш, бу орқали камида 30 минг нафар фуқарога даромад манбаи яратиш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, ҳудудий дастурлар доирасида 13 мингта, бўш ер участкаларини сотиш орқали 5 мингта, Бандлик, Хотин-қизлар ва Ёшлар жамғармалари ҳисобидан қўшимча 10 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мумкин.

Полиэтилен, полипропилен, поливинилхлорид ва кальцийланган сода каби хомашёларни биржа орқали сотишни кенгайтириш, мебель саноатини қўшимча қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқлар берилди. Булар маҳаллий корхоналарнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлади.

Президент ажратилган кредит ресурсларининг самарадорлиги ва қайтими борасидаги камчиликларни таниқд қилди.

— Жойларда кредит ҳисобидан ташкил этилаётган корхоналарни инфратузилмага улаш, маҳсулот бозорини топишга кўмаклашиш бўйича тармоқ, ҳудуд ёки сектор раҳбарлари тизимли ишламаяпти, — деди давлатимиз раҳбари.

Мутасаддиларга муаммолли корхоналарни аниқлаб, уларга “яширин иқтисодиёт”дан чиқиш учун шароит яратиш, кредитларни манзилли ва мақсадли ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат солиқ кўмитасига тадбиркорларнинг фикр ва эътирозларини инобатга олиб, қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни рўйхатга олиш, солиқларни ҳисоблаш тизимини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар биринчи ярим йилликда тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Ўзбекистон — Ислom оламининг маънавий марказларидан бири

Ўзбекистонда муқаддас ислom дини софлигини таъминлаш, буюк алломалар меросини ўрганиш ва уларнинг қадамжоларини ободонлаштириш, шунингдек, диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган изчил ўзгаришлар муслмон оламининг таниқли вакиллари томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода, Кавказ муслмонлари идораси раиси:



— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Улуғ Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон халқининг тақдирига тарих бўйлаб буюк давлатчилик тафаккурига эга йўлбошчилар насиб этган. Кейинги йиллар давомида Ўзбекистон халқи ва давлати ҳаётида ижобий йўналишдаги мисли кўрилмаган ишлар рўй бергани инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Бутун дунё Ўзбекистоннинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигига, халқ ва давлат бирлигининг мустаҳкамланишига, мамлакат эришаётган салмоқли иқтисодий ютуқларга гувоҳ бўлмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги илсоҳотлар натижаси ўларoқ, республика юксак чўқиларга кўтарилаётгани ҳолда Марказий Осиёдаги етакчилик ўрнини мустаҳкамламоқда.

Мен диний арбоб сифатида Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий муваффақиятлари билан бир қаторда иқтисодий соҳада, хусусан, диний-маънавий қадриятларни асраб-авайлаш бўйича Аллоҳга ҳуш келадиган ишлар ва глобал аҳамиятдаги лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Ўзбекистон Ислom оламининг машҳур маънавий марказларидан биридир. Ислomнинг илмий жиҳатдан тадқиқи, муслмон меросининг тарғиби йўналишида мамлакат бутун дунё мисқисда муҳим ўрин тутади. Бунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Сўнмез Кутлу, Туркиянинг Анкара университети илоҳиёт факультети профессори:

— Ўзбекистон тарихда бўлгани каби бүгунги кунда ҳам тамаддун маркази ҳисобланади. Юртингиз тарихда Мовароуннаҳр ва Туркистон номлари билан машҳур бўлган. Бу заминдан неча-неча олиму уламолар етишиб чиқди. Улар қолдирган маънавий мерос бүгун ҳам жаҳон тамаддунига хизмат қилмоқда. Утмишда ушбу минтақага сەҳнат қилган тарихчилар Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз каби шаҳарларнинг маҳобатини эътироф этиб, бу масканларни “исломнинг қуббаси” дея таърифлаган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ушбу заминдаги муаззам илм марказларини қайтадан жонлантириш учун муҳим чора-тадбирларни кўймоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Имом Бухорий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда ушбу марказларда ўзбек олимлари диний-маърифий соҳада изчил тадқиқотлар олиб бормоқда. Ишончманки, бу каби илм марказларининг амалий муваффақияти натижасида Ўзбекистон яна илм-фан марказига айланади — Учинчи Ренессанс барпо этилади. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида юртингиздан яна мотуридийлар, насафийлар, самарқан-



дийлар ва бухорийлар етишиб чиқишига ишончим комил.

Ўзбекистонда диний-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ўзгаришлар бутун муслмон дунёсида тинчлик ва оқоилшатилини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айниқиса, Ўзбекистон ва Туркия олимлари ўртасида яқин алоқалар ўрнатилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мен ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни муҳим ҳисоблайман. Ўзбекистон раҳбариятига чўқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Рамазон ҳайити муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини чин қалбдан табриқлайман.

“Дунё” АА

Нигоҳ



Муборак Рамазон ҳайити шодиёналари: диний қадриятлар, азалий урф-одатлар ва ўлмас анъаналар

Бошланиши 1-бетда

Дарвоқе, “ийд” сўзи араб тилида “қайта-қайта такрорланиш”, “фойда-манфаат”, деган маъноларни англатади. Ҳайит байрами ҳар йили тақрор ва тақрор келгани ва унда Аллоҳ таолонинг неъматлари бандаларига сероб бўлгани учун “ийд” деб номланган. Баъзи уламолар: “Бу байрам инсонларга уларнинг қийинчилик ва ғам-ташвишларига қарамасдан ҳар йили уларга хурсандчилик ва шодлик билан қайта-қайта келгани учун “ийд” деб номланган”, деганлар.

“Фитр” эса “оғиз очилш”, “таомланишни бошлаш” деганидир. Демак, “Ййдул фитр” рўзадан чиқиб, таомланишга ўтиш кунидир.

Ҳайит кунини қайта тугилиш рамзи ҳамдир. Рамазонда инсон жисминин, руҳини поклайди ҳамда нафсини тарбия қилади, келажақда уни факат Аллоҳга маъқул амалларни бажаришга ундайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта, Аллоҳ таоло сизларга Рамазон ойи рўзасини фарз қилди. Мен сизларга унинг кечаларини қоим қилишни суннат қилдим. Ким унинг рўзасини тутса ва кечаларини қоим қилса, гуноҳларидан онаси туққан кунгидек фориғ бўлади”, деганлар.

Шубҳасиз, Ҳайит байрами — улуғ айём. Унинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳамда жамиятимизда саҳийлик, шукроналик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамияти беқиёсдир.

ҲАЙИТ ТАРИХИ

Рамазон ҳайитининг пайдо бўлиши ва нишонланиши Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан узвий боғлиқ. Ҳижратнинг иккинчи йилидан буён Рамазон ҳайити улуғ айём сифатида нишонлаб келинади. Мазкур ибодатнинг тантанаси ўларoқ Рамазон ҳайити Аллоҳ таоло томонидан муслмонлар учун байрам қилиб берилди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларидеда шаҳар аҳли икки кунда ўйин-кули қилар эдилар.

“Бу куниси қандай кун?” деб сўрадилар. “Жоҳилиятда ўйнайдиган кунимиз эди”, дейишди.

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта, Аллоҳ сизларга бу иккиси ўрнига улардан кура яраша — Қурбонлик кунини ва Фитр кунини берди”, дедилар” (Имом Термизий ривоят).

Қурбон ва Рамазон ҳайитлари Аллоҳнинг бандаларига фарз қилган улуғ ибодатлари: Рамазон рўзаси ва Ҳаж ибодати адо этиб бўлинган куннинг эртасига нишонланади. Аллоҳ таоло бандаларини мана шундай улуғ ибодатларини адо этишга муюссар қилгани учун ҳам унинг шукронасига икки ракаат ҳайит намозини ўқишни вожиб қилди. Аллоҳ таоло Қурбон қаримда бундай марҳамат қилади: “Бас, Роббингиз учун намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг” (*“Кавсар” сураси, 2-оят*).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳар бир қавмининг ўз байрами бор, бу (Ййдул кунини) бизнинг байрамимиздир”, деганлар. Мўмин-муслмонлар Ҳайит байрамини яқинлари даврасида ўтказадилар. Айниқиса, ота-оналарга янада ҳушмуомала бўлиб, хурсандчилик улашишда. Уларнинг дуоларини олишдади. Шунингдек, муҳтожлар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, болаларга шодлик улаиш, уларнинг қалбларига қувонч олиб кириш катта савоб амаллардан бири. Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ: “Ҳайит кунлари шодлиқни изхор қилиш диннинг шиорларидандир”, деганлар.

ҲАЙИТ ҲИҚМАТИ

Ййду — Аллоҳ таолога қилинган тоат-ибодатлар туфайли У Зотнинг бандаларига қўрсатган раҳмату мағфирати боисидан хурсандчилик изхор қилиш учун бир муносабатдир. Аллоҳ таоло: “Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила. Ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир”, деб айт”, деган (*“Юнус” сураси, 58-оят*).

Ййду улуғ ибодатини адо қилгандан сўнг бандаларга тақдим қилинган ўзига ҳос раббоний зиёфатдир. Ййдул фитр — Рамазон ҳайити байрами Аллоҳ таоло бандаларига Рамазон ойида фарз қилган рўза ибодати адо қилингандан кейин келад. Бўнда Рамазонда Аллоҳнинг розилиғи учун, У Зотнинг амри бўлгани учун егуликдан, ичимликдан ва рўзани очиб юборадиган бошқа нарсалардан ўзини тияди. Шунинг учун Аллоҳ таоло ўзининг фазли, мағфирати ва бу ибодатда лойиқ қўрганидан хурсанд бўлсинлар, деб бандаларини Ййдул фитр зиёфатига тақдир этади.

Ҳайит байрами — инсон шаъни ва қадрининг нечоғли юксаклигини кўрсатувчи хайр-саховат, меҳр-мурувват айёми, диллардаги гина-қудуратлар заволга кетиб, ўрнини унсу улфат, дўстлик ва ҳам-жизахатга эгалловчи, Ҳазрат Алишер Навоий таърифидagi каби сўз ва кўз озодалиги, тил ва дил поклиги байрамидир.

Ҳайит байрами шукрона мавсумидир. Инсон ўзига ато этилган неъматларга шукр қилиши вожиб экани буюк алломалар томонидан таъкидланган.

ҲАЙИТ ФАЗИЛАТЛАРИ

Арафа кунини кечаси, яъни ҳайит кунига ўтар кечасини зикру тасбиҳ ва дуои истифҳор билан бедор ўтказиш савобли амаллардандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки Рамазон ва Қурбон ҳайитининг кечасини бедор ўтказса, қалблар уладиган кунда унинг қалби ўлмайди”, деганлар.

Ҳайит кунининг тонгидан ғўсп қилиб, ҳушбўй атирлар сепаб ва энг гўзал, янги ёки тоза кийимларимизни кийиб, ҳайит намози ўқилгунча ҳеч нарса емай, намозгоҳга бормогимиз суннат амалдир.

Ҳайит кунлари дуолар қабул қилинадиган кундир. Бу кунда баъзи жойларда одамлар урф қилиб, тўп-тўп бўлиб қабристонга, азадор хонадонларга бориш, ййи-сиги қилиш шаръан дуруст эмас. Бундай ношаръий амаллардан қайтайлик. ўзимизни ортиқча бидъат амаллардан сақтайлик. Бунинг ўрнига Аллоҳнинг тинчлик, хотиржамлик каби неъматларига шукр қилиб, эрта тонгдан ҳайит намозини адо этиб, кўпчилик билан қўлларимизни дуога очсақ, қалбимиздаги истакларимизни Яратгандан сўрасақ, иншааллоҳ, бунинг савоби ўзимизга ҳам, биздан умидвор бўлиб ётганларга ҳам етиб боради.

ҲАЙИТ НАМОЗИ

Аллоҳ таоло муслмонларга ҳайит намозини ўқишни вожиб қилди. Ҳайит намози туфайли муслмонларнинг дўстлиғи, қардошлиғи янада мустаҳкамланади. Рўза ва Қурбон ҳайити кунлари бир ерга ҳам бўлиб, диний алоқалари кучаяди. Пайғамбар алайҳиссалом муслмонларни ййиб, икки ракаат намоз ўқир, уларнинг сафини янада жипслаштириб, ғанимларни енгишда Аллоҳдан мадад сўраб илтижо қилардилар.

Хутба ўқиб, дўстлик, биродарлиқни рағбатлантириб, долзарб масалаларни айтиб ўтардилар. Намоздан кейин муслмонлар бир-бирини табриқлар, масжиддан чиққан камбағал, бева-бечораларга рўзаи фитр садақасини беришар, қалблари шодликка тўлиб-тошадир. Аллоҳ таолодан бизни ҳам дўст-биродар қилишини сўраймиз.

ҲАЙИТ АНЪАНАЛАРИ

Ҳайит кунларида табаррук отахон, мунис онахонларга ййи, ёшларга таффику ҳидоят тиланади. Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар зиёрат қилинади, бева-бечоралар ҳолидан хабар олинади.

Ҳайит кунлари оила ичида ҳам байрам кайфиятини тиклаш керак. Уйга қилинадиган харажатларини одатдагидан яхшироқ қилиш даркор. Илоҳи бўлса, уларга совға ва махсус ҳадялар улаишлса, янада яхши бўлади. Ҳайит кунларида беморларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг ҳам ҳайитни нишонлашларига кўмаклашиш айни савоб иш бўлади.

Ҳайит кунлари силаи раҳм қилиш, қариндош-уруғ, кексалар ва беморларни, кудандаларни зиёрат қилиш ҳар қачонгидан ҳам кура таъкидланган бўлиб, савоби кўпроқ бўлади.

Фарзандларимиз ййил давомида ҳайитни эслаб юрсин, уни орзиқиб қутсин, унинг буюклигини ҳис қила билсин, ана шунда яхши бўлади. Бу каби ишлар фарзандларимиз онгида миллий-диний қадриятларимизга нисбатан эҳтиром тўғриси шақлланишига, уларнинг Ватан ва миллатга ҳақиқий садоқатли инсонлар бўлиб тарбия топишда муҳим аҳамият касб этади.

Таниш-билиш, ёру дўст ва ҳар бир қўринган муслмон кишини ҳайит билан табриқлаб, уларга хурсандчилик ва шодлик изхор қилиш керак.

Ҳайит арафасида қўн-қўшнларга меҳр-мурувват кўрсатиш билан бирга моддий ёрдамга муҳтож кишилар, яъни кам таъминланган оилаларга хайр-эхсон қилинса, уларнинг хонадонларига ҳам байрам шукруни кириб борган бўлади.

Болалар Ҳайит кунини ҳайитлик совға-саломлари билан сийланган.

Дарҳақиқат, мўмин-муслмонлар Рамазон ҳайити байрамига олдиндан тайёргарлик кўра бошлайдилар. Байрамдан бир неча кун олдин ҳовлилар, кўча-кўй саранжом-саршита қилинади. Уйини янги буюмлар билан безашга, чиройли уй-рўзгор буюмлари сотиб олишга алоҳида эътибор қаратилади. Кишилар янги либослар кийишга ҳаракат қилади. Қолаверса, тарихий қадамжолар, қабристонлар ҳам тозалаиб, зиёратчиларнинг келиб-кетиши учун қулай шароитлар яратилади.

ҲАЙИТ ОДОБЛАРИ

Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити кунларида ҳар бир муслмон ўз хурсандчилиғи, саховати ва юксак одоб-ахлоқини ҳар қачонгидан кўра кўпроқ изхор қилиши керак. Шунинг учун уламоларимиз мазкур байрам кунларида муслмон киши учун зарур бўлган баъзи амалларни тавсия қилганлар:

— ҳайит кунидан аёвағли туниги ибодат, дуо ва зикрлар билан бедор ўтказиш.

Ҳайит кунига ўтар кечанинг ҳам ўзига яраша фазилати бор. Уни бутунлай ёки бир қисминин, хусусан, кечасининг учинчи қисминини Қурбон тиловати, зикр, тасбиҳ ва нафл намозлар билан бедор ўтказиш қўллаб яхшиликларга, улкан савобларга сабаб бўлади; — ҳайит намозига чиқиб олгидан ғўсп қилиш, мисовок ишлатиш, хушбўйлик сурши.

Ислom — поклик дини. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Поклик иймоннинг ярмидир”, деганлар. Ривоят қилинишча, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит намози олгидан ғўсп қилар ва мисовок орқали тилларини поклар эканлар; — чиройли янги кийим қийиш (янғиса бўлмаса, кийимларининг энг яхшисини қийиш).

Бу ҳам суннат. Халқимиз қадимдан ушбу суннатни гўзал тарзда амалга ошириб келган. Ҳайит арафаларида кийим-кечак бозорларимизда савдо-сотик қизғин авжига чиқариш ҳам шундан. Бу ишда Аллоҳ таоло берган неъматларга шукр қилиш бор. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозимки, аёлларнинг зийнатланишлари шариат доирасида ва маҳрамлар даврасида бўлиши керак.

— фитр садақаси зиммасига вожиб бўлган киши уни ҳайит намозига чиқишдан олдин адо этилиши.

Фитр садақаси рўзага боғлиқ садақалардан бўлиб, ҳар бир жон учун икки кило бугдой қийматда берилади. Ҳадисларда келтирилганидек, “фитр садақасини ҳурмодан бир соъ, арпадан бир соъ миқдоридеда муслмонлардан кулга ҳам, хурга ҳам, эрга ҳам, аёлга ҳам, кичикка ҳам, каттага ҳам бериш фарз қилинган. Уни одамлар намозга чиқишдан олдин адо этишга амр қилинган”.

Фитр садақасини бериш закотта қодир кишиларга вожиб, бошқаларга ихтиёрий ҳисобланади. Уни Рамазон ойи давомидеда бериш ҳам мумкин, аммо афзали ҳайит намозга чиқишдан олдин беришдир;

— масжидга чиқишдан олдин бирор нарса тановул қилиш.

Рамазон ҳайитида намозга чиқишдан олдин бирор нарса еб олиш — одоб. Расулulloҳ шундай қилар эдилар;

— ҳайит намозини масжидда жамоат билан бирағликда адо этиш.

Ҳайит кунини ҳайит намозини ўқиш бизнинг ҳанафий мазҳабимизда вожиб дейилган. Чўнки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайит намозини узлуксиз ўқиб келганлар. Ундан юз ўғирши залопат дейилган;

— ҳайит намозини адо этгандан кейин ота-она, қариндош-уруғлар ва яқинларни зиёрат қилиш.

Узоқлашиб кетган қариндошлар билан, айрим аразалардан дўст-яқинлар билан ҳайит баҳонасида алоқаларни тиклаш, ярашиб олиш лозим. Зеро, силаи раҳмин узган ёки муслмон биродарига гина қилган кишиларга фазилатли кўнларнинг яхшилиғи етмаслиғи ҳақида ривоятлар бор. Шунингдек, ҳайит кунини етимлар, мискинлар, фақирлар ҳамда муҳтожларга ёрдам қилини қўзиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ва меҳр кўрсатиш ҳам тарғиб қилинган амаллардан саналади.

Рамазон ҳайити байрамини мазкур одобларга риоя қилган ҳолда ўтказасак, ушбу улуғ кунни муносиб нишонлаб, қўллаб ажру савобларни қўлга киритамиз. Шу билан бирга, халқимиз орасида эзгулик, меҳр-оқибат бардавом бўлишига ҳисса қўшган бўламиз.

ҲАЙИТ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА

Юртимизда коронавирус билан хасталанганлар сонини ортиб борапти. Бу эса карантин талабларига оғишмай риоя қилишнинг шартлигини англатади. Рамазон ҳайити байрамидеда ҳам бунга қатъий амал қилишимиз, бир-биримизни асраб-авайлашимиз керак бўлади.

Коронавирус касаллиғи билан боғлиқ вазият давом этаётганини инобатга олган ҳолда, 2021 йилда Рамазон ҳайити намозини масжиднинг очик ҳаводаги майдонларидеда (очик айвонлар, масжид ҳовлиси, масжидда туташ ички кўчалар) адо этиш баробаридеда намозхонлар тиббий нуқрибда бўлиш, оравлик масофани сақлаш, тана ҳароратини ўлчаш каби карантин тартиб-қоидаларига риоя қилиш жорий этилди. Зеро, динимиз ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказмаслиқга чакирлади.

Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан ёши 65 дан катта ва сурункали касаллиғи бор шахсларнинг саломатликларини муҳофиза қилиш мақсадида уларни байрам муносабати билан масофадан йўқлаш, жамоавий тадбирларга жалб этмаслик тавсия этилди.

ЎЛКАМИЗДА РАМАЗОН ҲАЙИТИ

Ҳайит хурсандчилик, яхши кайфият ва эзгу, савобли ишлардан иборат! Ҳайит намозини адо этгандан сўнг, аввало, дунёга келишимизга сабаб бўлган меҳрибон ота-оналаримиз, қариндош-уруғларимиз ҳамда ёру биродарларимизни зиёрат қиламиз. Улардан ҳол-аҳвол сўраш ва қўнғилларига хурсандчилик киритишга ҳаракат қиламиз.

Ййдул фитр байрам кунини сифатида кенг нишонланади. Бу ййил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 май кунини “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорини имзолади. Қарорга кўра, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг 2021 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 13 май — пайшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарори инобатга олиниб, мамлакатимизда 2021 йил 13 май Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонланиши белгиланди.

Юртдошларимиз Рамазон ҳайитини катта хурсандлик ила қарши олмақдалар. Ушбу байрам маънавий ҳаётимизнинг ажралмас

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ СИФАТИ — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Даврон КАЛАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи
Жаҳонгир САФАРОВ,
Юридик таъминлаш бошқармаси бўлим мудир,
юридик фанлар доктори

Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлмалли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан амалдаги қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 15 мартдаги “**Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарорида айнан мана шу йўналишда чуқур ўйланган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи **янги инновацион “ақлли тартибга солиш”** усулларини жорий этиш бўйича устувор вазибалар белгилаб берилди.

СИФАТ, ШАФОФЛИК, ТИЗИМЛИЛИК, КЕЛИШИЛГАНЛИК ҲАМДА ЖАМОАТЧИЛИК ЖАЛБ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТДАН ЯНГИ МЕХАНИЗМ

Жаҳонда тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига зарар етказмаган ҳолда давлатнинг сифатли ва мувозанатлашган **норматив-ҳуқуқий базасини** шакллантириш мақсадида қўлланади.

Мамлакатимизда ҳам тартибга солиш таъсирини баҳолаш муаммоси, уни ҳал этиш усулларини, рақобатга таъсирини, тартибга солишнинг янги воситалари, тартибни жорий этишда **юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни** прогностлаш ва баҳолаш, шу жумладан, **фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил қилиш** орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари пухта ишланган ҳолда қабул қилинишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳл этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилишда **қўшимча ҳисоб-китоблар амалга оширилади, уларнинг асослангиларини пухта ўрганилади**, асоссиз равишда янги чекловлар, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва лицензиялар жорий этилиши, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари қисқартирилиши ёки уларга қўшимча мажбуриятлар юклатилишининг олди олинади ва шу орқали мамлакатда **ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш чоралари қўрилади**.

ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти жаҳонда 1960-йиллардан қўллана бошлаган. Хусусан, илк маротаба ушбу тизим **Данияда** 1966 йилда давлат секторининг иқтисодий ва маъмурий таъсирини баҳолаш мақсадида қўлланган.

Ҳозирги вақтда тартибга солиш таъсирини баҳолаш **60 дан** ортқ давлатда кенг қўлланади. Масалан, АҚШда Президент Администрациясида Тартибга солиш хизмати, Буюк Британияда эса ҳукумат аппаратида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бюроси ва алоҳида Тартибга солиш сиёсати бўйича қўмида, Жанубий Кореяда Тартибга солишни ислох қилиш қўмитаси фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур институт мамлакатимизда ҳам анчадан буюн босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. **2008 йил 26 декабрда** Вазирлар Маҳкамасининг **қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий этишга оид қарори** қабул қилиниб, унинг асосида қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилган ҳамда мазкур тизимни жорий этишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги “**Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарори билан мамлакатимизда илк маротаба тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир этадиган норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли лойиҳа ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжати ишлаб чиқувчилар томонидан Интерактив давлат хизматлари ягона порталда муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилиши тартиби жорий этилди.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги қармони билан тасдиқланган **Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида** тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти комплекс ҳуқуқий институт сифатида шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борадаги навбатдаги муҳим қадам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги “**Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазибалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қармони билан Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси таркибида **Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими** ташкил этилиши бўлди.

ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ВЕРТИКАЛ ТИЗИМИ

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича навбатдаги муҳим босқич Президентимизнинг 2020 йил 27 сентябрдаги “**Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта қўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қармони бўлди. Ушбу ҳужжат билан **тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг уч поғонали вертикал тизими** йўлга қўйилди. Яъни:

энг қуйи поғонада — давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари тузилмасида тартибга солиш таъсирини баҳолашга **масъул ходимлар** белгиланди; **ўрта поғонада** — тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги махсус ваколатли орган сифатида Адлия вазирлиги марказий аппаратида **Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси** ташкил этилди; **юқори поғонада** — Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасида **Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими** фаолият юритмоқда.

Шунингдек, мазкур фармон билан тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди:

тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича таҳлилий материаллар лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамаси, келишув ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш босқичларида илова қилиниши белгиланди;

Адлия вазирлиги зиммасига ҳар йили мамлакатда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг ҳолати тўғрисида ахборот тайёрлаб, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш ҳамда бошқа бир қатор қўшимча вазибалар (мувофиқлаштириш, услубий ёрдам кўрсатиш, масъул ходимлар малакасини ошириш ва б.) юклатилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги қарори тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини, бу борада **ягона “технологик занжир”ни тўлақонли шакллантирди, яъни ким, қачон, нима қилади**, деган саволга батафсил жавоб берди.

ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Лойиҳалар ва ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш икки босқичда ташкил этилади:

биринчи босқич (2022 йил 1 январга қадар) — ҳўжалик юритувчи субъектларга қўшимча мажбурият юқловчи, уларга нисбатан талабларни қийинлаштирувчи, рухсат бериш тартиб-таомилларини мураккаблаштирувчи, лицензиялар жорий қилувчи, уларга қўшимча харажат юқловчи, имтиёз ва эксклюзив ҳуқуқларни берувчи лойиҳаларнинг тартибга солиш таъсири баҳоланади;

иккинчи босқич (2022 йил 1 январдан сўнг) — юқоридаги доира кенгайиб, тадбиркорлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи ҳар қандай лойиҳанинг тартибга солиш таъсири баҳоланади.

Авваламбор, тартибга солиш таъсирини баҳолаш **2 та** таркибий қисмдан иборат.

Биринчи таркибий қисм — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлиб, у **4 та асосий босқичдан** иборат:

биринчи босқич — юқорида айтилган мезонларга мос бўлган лойиҳа ишлаб чиқилганда, уни ишлаб чиққан вазирлик ва идоранинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича масъул ходими лойиҳа бўйича ҳуқуқий экспертиза муддатлари доирасида лойиҳани ТСТБдан ўтказиб, унинг натижаси бўйича **ҳисобот** тузади. Унда лойиҳа таъсиридан келиб чиқадиган оқибатнинг аниқ — ижобий, салбий ёки бетараф таъсири акс эттирилади. Ҳисобот вазирлик ва идоранинг биринчи раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади;

иккинчи босқич — ҳисобот юзасидан тадбиркорлик фаолиятига таъсири бўйича — Иқтисодий тараққиёт вазирлиги томонидан ҳамда рақобатга таъсири бўйича — Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ҳулоса олинади;

учинчи босқич — лойиҳа, ҳисобот ҳамда ҳулосалар Адлия вазирлигига киритилганда, Адлия вазирлиги уларни ТСТБ натижалари бўйича экспертиза қилиш муддатлари доирасида ўрганади. Адлия вазирлиги томонидан лойиҳа ва ТСТБ натижалари бўйича ҳисобот юзасидан ҳулоса тайёрланиб, ишлаб чиқувчига тақдим этилади;

тўртинчи босқич — ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳани Олий Мажлис палаталарига, Президент Администрациясига, ҳукуматга киритишда унга ТСТБ бўйича ҳисобот, ҳулоса берувчи органлар ва Адлия вазирлигининг ҳулосалари илова қилинади.

Вазирлар Маҳкамасига киритилган, тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилган лойиҳалар Юридик таъминлаш бошқармасига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилганда бир вақтнинг ўзида (ҳуқуқий экспертиза учун белгиланган **3 кунлик** муддатда) тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади ва унинг натижалари бўйича тегишли ҳулоса тайёрланади.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг иккинчи таркибий қисми қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлиб, у **5 та асосий босқичдан** иборат:

биринчи босқич — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш бўйича вазирлик ва идоралар тақлифлари (1 февралгача) асосида Адлия вазирлиги томонидан режа ишлаб чиқилади (10 февралгача) ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ТСТБдан ўтказиш режаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

иккинчи босқич — режада назарда тутилган вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат ТСТБдан ўтказилади ҳамда унинг натижалари бўйича ҳисобот тайёрланади, сўнг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун порталга жойлаштирилади;

учинчи босқич — ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамасида тақдим этилган тақлифларни умумлаштириш ва улар асосида қайта ишланган ҳисобот юқорида айтилган ҳулоса берувчи органларга (Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат экология қўмитаси ва б.) тақдим этилади ва уларнинг ҳулосаси олинади;

тўртинчи босқич — жамоатчилик муҳокамаси ўтказилгандан сўнг қайта ишланган ҳисобот Адлия вазирлигига киритилади ва Адлия вазирлиги томонидан умумлаштирилади;

бешинчи босқич — Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тас-

диқланган режага мувофиқ, ҳар чорақда вазирлик ва идоралар томонидан ўтказилган ТСТБ натижаларини умумлаштирган ҳолда тегишли ахборот-таҳлилий маълумотни Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлигининг маълумотини қўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан “йўл харитаси”ни тасдиқлайди ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ ёки алоҳида нормаларини ўзгартириш тўғрисида тақлифларни қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастурига ёки қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режаларига киритиш чораларини кўради.

ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ДОИРАСИДА ОЛДИМИЗДА ТУРГАН УСТУВОР ВАЗИБАЛАР

Президентимизнинг 2021 йил 15 мартдаги қарорини амалга ошириш бўйича олдимизда турган асосий вазибалар куйдагилардан иборат:

биринчидан, юқорида таъкидланган **вертикал тизим** тўлақонли йўлга қўйилишини таъминлашимиз зарур. Яъни давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратлари тузилмасида тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул ходимлар белгиланиб, Адлия вазирлигида уларнинг рўйхати шакллантирилиши лозим;

иккинчидан, тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишнинг **услугияти** жорий йил 31 март санасида Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланиши. Мазкур методика барча давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тарқатилиши ва, умуман, фойдаланиш учун очиқ бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, тасдиқланган методика бўйича аниқ йўналишлар, масалан, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни ёки лицензияларни олиш учун қўшимча талаблар ва шартларни жорий этувчи, ҳўжалик юритувчи субъектларга қўшимча мажбуриятлар ёҳуд қўшимча харажатлар жорий қилувчи ва бошқа кўп учрайдиган йўналишлар бўйича тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш намуналари ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланиш учун барча масъулларга тарқатилса, фойдадан холи бўлмайди;

учинчидан, олдимизда турган энг жиддий масалалардан бири шуки, тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳужжатларнинг сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан бирга, **уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муддатларини чўзмаслиги, норма ижодкорлиги жараёнини мураккаблаштирмаслиги, ижро интизомига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур**.

Таъбир жоиз бўлса, ушбу институтнинг норма ижодкорлиги жараёнида яшаб кета олиши, яъни тақдири шунга чамбарчас боғлиқ. Охириги йилларда норма ижодкорлиги жараёни сезиларли даражада жадаллашди. Шу шароитда тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг жорий этилиши унинг имкониятларидан самарали ва тўғри фойдаланишни тақозо этади. Бу эса **икки-та муҳим омил — малакали, тажрибали кадрлар ҳамда пухта ишланган, содда методикага боғлиқ**;

тўртинчидан, тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича янги тизимни ҳаётга татбиқ этишда асосий куч айнан давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ушбу масала учун масъул ходимлари бўлишини инobatга олиб, **уларнинг малака ва кўникмаларини ошириб боришга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш лозим**.

Шу мақсадда қарорда мазкур ходимларга тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказишнинг моҳияти ва тартибини тушунтириш бўйича ўқув семинарларни ташкил этиб бориш бўйича алоҳида режа тасдиқлаш назарда тутилган. Ўқув семинарлар вазирликлар, идоралар ҳамда ҳудудлар кесимида жаҳвал асосида ташкил этилиши лозим. Бунда дастлаб ўқитишда иштирок этувчи тренерлар, экспертлар танлаб олиниши, улар учун ягона ўқув методик материаллар шакллантирилиши лозим. Ўқув семинарларда энг кўп берилган саволларнинг рўйхати шакллантирилиб, улар юзасидан вазирлик ва идораларга ёзма тушунтиришлар тайёрлаб тарқатилиши даркор.

Шу билан бирга, бу семинарлар бир марталик эмас, балки доимий равишда ҳар йили камида бир маротаба ўтказиб борилиши керак. Улар фақат маъруза эмас, балки мулоқот кўринишида, савол ва жавоблар тариқасида ўтказилиши тўғри бўлади. Яъни мазкур соҳа янги бўлгани учун амалиётда учраётган муаммоларни аниқлаб, уларни биргаликда муҳокама қилиб, ягона ечимга келишимиз лозим;

бешинчидан, қарор билан Адлия вазирлиги зиммасига тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича қўшимча равишда **бешта вазифа** юкланмоқда. Шу билан бирга, Президентимизнинг 2020 йил 27 сентябрдаги қарорини ҳам Адлия вазирлигига тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича қўшимча **4 та** вазифа юклатилган. Мазмунан фармондаги бевосита тартибга солиш таъсирини баҳолашга доир вазибалар қарор доирасида қамраб олинган.

Энди ушбу вазибалар ижросини самарали ташкил этиш масаласига эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада Адлия вазирлиги марказий аппаратида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тузилган Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси координатор сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

Шу боис, Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси штат жадвалини, низоми, ходимларнинг функционал мажбуриятларини тасдиқлашда юқоридаги вазибаларни инobatга олиш, зарур бўлса, ҳар бир вазифага алоҳида масъул ходимларни бириктириш зарур.

Масалан, қарор билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиб бориш ҳамда уларни янада яхшилаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Бу борада Жаҳон банкининг Давлат бошқаруви сифати индексининг (World Governance Indicators) муҳим таркибий қисми ҳисобланган Тартибга солиш сифати рейтингини (Regulatory Quality Ranking) мавжуд. Афсуски, Ўзбекистон ушбу рейтингда **193** давлат орасида **169-ўринни** эгаллаган. Қўшни давлатлар, масалан, Қозғистон — **73**, Қирғизистон — **116-ўринда** экани ушбу масала билан тизимли равишда шўғулланиш заруратидан далолат беради;

олтинчидан, яна бир ташкилий масала норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш билан боғлиқ. Шу мақсадда Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул бўлган ходимлари, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари мазкур тизимни жорий этишда дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича доимий мулоқот қиладиган платформа ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, қарор билан норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини тубдан ошириш, ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати ҳамда уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш бўйича амалий тизим яратилди. Қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини самарасиз тартибга солиш оқибатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўрган фойда ва чиқимлардан келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг самарали тизими жорий этилади.

Албатта, булардан қўзланган пировард мақсад “**Қонун ижодкорлиги сифати — ислохотлар самарадорлиги гарови**” тамойили асосида жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий муносабатларни тубдан яхшилаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳл этувчи асослантирилмаган, ҳисоб-китоб қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўймаслик ҳамда аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдан иборат.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон иқтисодиёти биринчи чоракни ўсиш кўрсаткичи билан яқунлади

Пандемия барча мамлакатлар иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатаётган бир пайтда қайсидир тармоқларда пастлаш, бошқа биларида эса инқироз ҳолатлари кузатилиши табиий. Юртимизда бу борада кўрилган қатъий чора-тадбирлар ана шундай жиддий йўқотишларнинг олдини олишга хизмат қиляпти. 2021 йилнинг дастлабки уч ойида ялпи ички маҳсулот ҳажми 3 фоиз ошгани бунинг амалий тасдиғидир.

Руслан АБАТУРОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар
ва ислохотлар
маркази эксперти

Бу ҳақда жорий йилнинг 12 май куни Президентимиз раислигида макроиқтисодий вазият, ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи ярим йилликдаги устувор вазифаларга бағишлаб

минан 1,8 фоиз пасайиш кузатилган. Бу орада Хитой иқтисодиётида рекорд даражада ўсиш суръати (18,3 фоиз) қайд этилди. Ушбу мамлакатда 2020 йилнинг тўртинчи чорагида ЯИМ ўсиши 0,6 фоизни ташкил этган эди.

Дунёдаги вазият юртимиз иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Пандемия сабабли хорижий сармоялар камайишда давом этмоқда. Бироқ бу пасайиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли да-

2021 ЙИЛНИНГ 1 ЧОРАГИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ



ўтказилган видеоселектор йиғилишида маълум қилинди. Шунингдек, мазкур даврда саноат 3,8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги 3,1 фоиз ўсгани ҳам таъкидланди.

Биринчи чоракнинг макроиқтисодий таҳлилларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти кучли ўсиш траекториясига қайтмоқда. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши кузатилди. Дастлабки уч ойда қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 2020 йил биринчи чорагидагига нисбатан бироз пастлаганига қарамай, 3,1 фоиз ўсиш билан яқунланди.

Бунда қайта ишлаш соҳасидаги 4,6 фоиз юқорилаши 2020 йилнинг биринчи чорагидаги 7,9 фоиздан жорий йилнинг мос даврида 10,1 фоизга етгани саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,8 фоиз ошишига хизмат қилди. Мазкур даврда қурилиш сектори 0,5 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳаси 5,8 фоиз, транспорт соҳасида юк айланмаси 2,8 фоиз ўсиши кузатилди. Йилнинг дастлабки уч ойида чакана савдо ҳажми ҳам ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан (3,8 фоиз) бироз пасайган ҳолда 2,8 фоиз юқорилади.

Барча имкониятлар яратиб берилганга қарамай, айрим тармоқларда етарли кўрсаткичга эришилмади. Хусусан, биринчи чоракда “Ўзавтосаноат”да ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоиз, “Ўзбекнефтегаз”да 4,7 фоиз, чарм маҳсулотлари соҳасида 10 фоиз пасайган. Давлатимиз раҳбари йиғилишда мутасаддиларга “Сунги бир йилда дори-дармон ва тиббиёт бўмларига эҳтиёж кескин ошса-да, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 фоиз камайишини қандай изоҳлаш мумкин?” дея савол берди. Вазирлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, оймақ ва банк раҳбарларига май-июнь тўлигида биринчи навбатда, асосий энергия ресурслари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш вазифаси қўйилди.

ҲАМКОР МАМЛАКАТЛАРДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Бугун мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши узоқ-яқиндаги бошқа давлатлар тараққиётига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари натижасида мамлакатга кириб келадиган пул маблағларида яққолроқ кўзга ташланади. Пандемия қўшни мамлакатлар ҳамда йирик савдо шерикларимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Хусусан, Қозғистон ЯИМ биринчи чоракда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 фоиз камайган бўлса, Қирғизистон иқтисодиётидаги турғунлик давом этяпти. Россия ЯИМда эса мазкур даврда тах-

ражада — 11,2 фоиздан 3,5 фоизгача секинлашди. Бунда, асосан, марказлаштирилган инвестициялар камайиб бормоқда.

Ақсинча, марказлаштирилмаган инвестициялар улушида 13,6 фоиз ўсишга эришилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 30,6 фоиз, аҳоли ҳисобидан инвестициялар 20 фоиз ошди.

ТАШҚИ САВДОДАГИ ҲОЛАТЛАР ДИНАМИКАСИ

Жиддий инқироз ташқи савдога ҳам таъсир кўрсатишда давом этяпти. Таҳлилларга кўра, юртимизда биринчи чоракда ташқи савдо айланмаси ҳажми 11,6 фоиз камайиб, 7,1 миллиард долларни, импорт эса 1,3 фоиз пастлаб, 4,7 миллиард долларни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг биринчи чорагида олтин 1 миллиард долларга сотилиб, экспорт таркибининг қарийб 30 фоизини ташкил этган бўлса, жорий йил бошида олтинсиз экспорт ҳажми 2,4 миллиард долларга етди. Демак, олтинни ҳисобга олмагандан, товар ва хизматлар экспорти биринчи чоракда 6 фоиз ошган.

Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотларини хорижа етказиб бериш ҳажми 18,4 фоиз, кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар 21 фоиз, рангли металллар 58 фоиз, машиналар ва ускуналар 58 фоиз, тўқимачилик ва тўқимачилик маҳсулотлари 37,8 фоиз ўсиши кузатилди. Шунинг баробарида, энергия ва нефть маҳсулотлари экспорти 53,1 фоиз, қора металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар 22,7 фоиз, хизматлар 25,7 фоиз пасайгани қайд этилди. Шу боис, йиғилишда биринчи ярим йилликда экспорт ҳажмини 5,2 миллиард долларга етказишни таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Импорт борасида ҳам сезиларли тафовутлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, хорижий мамлакатлардан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш 48,4 фоиз, кимёвий маҳсулотлар 13,3 фоиз, қора металллар ва улардан ишланган маҳсулотлар 13,3 фоиз ўсган бўлса, машина ва ускуналар импорти 16,1 фоиз, энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари 2,2 фоиз, хизматлар 20,4 фоиз камайди.

Шундай қилиб, биринчи чорак яқунларига кўра, Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига глобал инқирознинг таъсири сезилмоқда. Лекин ўтган йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан иқтисодиётнинг қатор тармоқларида ўсиш суръатлари буй кўрсатяпти. Мураккаб шароитга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти инқирозгача бўлган динамикага қайтишга фаол интиломоқда.

ИЗЛАНИШЛАР МАҲСУЛИ

“ҚОНИҚАРСИЗ”ЛАР ЭНДИ “САРИҚ” ХУДУДА, МАҚСАД — “ЯШИЛ” ТОИФА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг ўсиш нуқталаридан бири, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим манбаи. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларга қамарбаста бўладиган қўллаб-қўллаган фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда. Худудларда бу борадаги кўрсаткичларни ошириш учун барча имконият ва шароитлар яратиб берилляпти. Энди ҳамма гап ҳокимлар ва секторлар раҳбарларининг белгилаб олинган вазифаларни нечоғли ҳаётга татбиқ этишида.

Президентимизнинг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни реитинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан юртимизда бу борада илк бор янгича тизим жорий этилди. Унга мувофиқ, биринчи марта туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорлики қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилди. Таҳлиллар асосида улардаги тадбиркорлик ривожининг ҳолати “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” худудларга ажратилди. Улар “қизил”, “сарик” ва “яшил” худудлар, деб белгиланди. Шу асосда 48 та туман ва шаҳардаги ҳолат “яхши”, 119 тасида “ўрта” ҳамда 33 тасида “қониқарсиз” деб топилган.

2020 йилнинг 24 сентябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида худудларда тадбиркорликини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Нукус, Баликчи, Бекобод, Ховос, Бахмал, Мирзачўл, Янгиқўрғон, Шовот, Қасби, Қумқўрғон, Учтепа каби туманлардаги аҳоли қониқарсиз экани, аслида уларда ҳам етарлича салоҳият ва инфратузилма борлиги таъкидланди. Таҳлиллар асосида жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган худудларга қўмақлашиш бўйича берилган топшириқлар асосида зарур ишлар бошлаб юборилди.

Барчага баробар имкониятлар

Рейтинг натижаларига кўра, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ва Музработ туманлари ҳам қизил худудлар тоифасига киритилди. Таҳлиллар Қумқўрғон тумани тадбиркорлик кўрсаткичлари бўйича Сурхондарё вилоятида энг охириги ўринлардан бирида экани, худудда 124 минг гектар яйлов ва 48 минг гектар оброҳотдан чиққан ер бўлишига қарамай, улардан самарали фойдаланиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмаганини кўрсати.

Ушбу ҳолат юзасидан Қумқўрғон тумани сектор раҳбарлари халқ депутатлари туман кенгашида аҳолидан уэр сўраб, қисқа вақтда худуддаги тадбиркорлик кўрсаткичларини оширишга ваъда берди. Тумани ривожлантириш бўйича аниқ тақлифларга асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, сессияда кенгаш томонидан тасдиқланди. “Яхши” деб баҳоланган худудлар тақрибаси ўрганилиб, шу асосда амалий ҳаракатларга киришилди.

Дастлабки босқичдаги саъй-ҳаракатлар, аввало, тумандаги кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш, жойларга чиққан ҳолда, одамларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашига халал бераётган муаммоларни ҳал этиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг ташаббусларини рўёбга чиқаришга қўмақлашдан бошланди.

— Мутасадди ташкилотлар масъуллари билан биргаликда олиб борган ўрганишларимиз орқали тумандаги фаолиятини вақтинча тўхтатган 27 та, “ноль” ҳисобот топширган 32 та тадбиркорлик субъекти бўйича аниқ “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, уларнинг фаолияти тикланди ва қайта йўлга қўйилди, — дейди Қумқўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Мурод Қўлтаев. — 767 та янги тадбиркорлик субъекти очилиб, улар томонидан 2,8 миллиард сўмлик қўшимча саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 1 200 та янги иш ўрни яратилди. 758 та тадбиркорлик субъектига 734 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, иқтисодий фаоллиги оширилди. Бу орқали тўпланган 25,4 миллиард сўм қўшимча маблағ туманнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Бюджетга 32,1 миллион сўм солиқ тушумлари туширилди.

“Радиқал шарқ” МЧЖ мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, иш фаолиятини кенгайтирган қорхоналардан бири. Ўтган йили хусусий қорхона томонидан умумий қиймати 1,3 миллиард сўмга тенг нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда маҳалла гузарини қўриш лойиҳаси ишга туширилди. Натижада 10 та янги иш ўрни яратилди.

Туманда, шунингдек, саноатда ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтирган қорхоналарнинг барчасини тўлиқ қувватларда ишлаши учун имкониятлар очилди. 2020 йил давомида 274 гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинди. Кам таъминланган, ишсиз аҳолини саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ва иссиқхона комплексларига жалб қилиш орқали жами 2 259 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Натижада 2020 йилнинг ўтган даврида барча соҳаларда ўсиш кузатилиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 131,1 фоиз, хизматлар — 103,4,

чакана савдо — 101,5 фоиз ошди. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, Қумқўрғон тумани ўтган йил якуни билан “қизил” худуддан “сарик” худуд тоифасига ўтказилди.



Аммо туман мутасаддилари бу билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Улар худудни энг яхшилар қаторига олиб чиқишни мақсад қилган. Бунинг учун режалар тузилиб, ишлар бошлаб юборилган.

— Жорий йилда туманнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиши ва тадбиркорлини қўллаб-қувватлаш бўйича яна бир қанча масалаларни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди Мурод Қўлтаев. — Тадбиркорлар сонини 2 баробар ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтирган қорхоналарнинг барчаси тўлиқ қувватларда ишлашини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида чора-тадбирлар белгилаб олинди. Аввало, банклар томонидан худудлардаги ҳолат “маҳаллабай” тизими асосида ўрганилиб, “Ҳўжамулқи”, “Боботот”, “Саховат”, “Қўганли” маҳаллалари “қизил” худудга киритилди. Ҳозир уларнинг “драйвер”лари аниқланиб, йўл хариталарини белгилаб олди. Масалан, “Ҳўжамулқи” маҳалласида деҳқончилик ривожланган бўлиб, бу ерда “Хушвақт Жўмаевич” оилавий қорхонаси томонидан мошини қайта ишлаш лойиҳаси йўлга қўйилмоқда. Боиси, бу ерда 2 минг гектарга яқин майдонга мош экилади. Ушбу қорхона 214 та хонадонга уруғ етказиб беради ва тайёр маҳсулотни ўзи сотиб олиб, қайта ишлайди. Кейинчалик бу лойиҳани бошқа маҳаллаларда ҳам жорий этиш орқали оилаларни иш билан таъминлашни мақсад қилганмиз.



“Саховат” ва “Қўганли” маҳаллалари тоғли худудга яқин яйлов ерларда жойлашгани учун бу ерда “драйвер” сифатида қорвачилик танланган. Худудда ушбу йўналишни ривожлантириб, сутни қайта ишлаш бўйича кооперация ташкил этиш кўзда тутилган.

Аслида Қумқўрғон тумани саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича кўпроқ имкониятларга эга. Логистика жиҳатидан ҳам қўлайликлар мавжуд. “Термиз — Тошкент” темир йўли Сурхондарё вилоятининг жанубий ва шимолий худудларига айнан Қумқўрғон тумани марказидан ажраллади. “Термиз — Душанбе” М-41 халқаро аҳамиятидаги автомагистрал йўли ҳам шу ердан ўтган.

Бугунги кунда тумандаги 4 та сектор раҳбарлари ана шу имкониятдан самарали фойдаланишга интиломоқда. “Жанубий Сурхон” сув омбори худудида экотуризмни ривожлантириш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Шунингдек, туманда тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 3,2 миллион долларлик пиллани қайта ишлаш, 18,7 миллиард сўмлик замонавий типдаги лимончилик, 47,2 миллиард сўмлик еврастандарт талабларига мос маҳсулот етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхонасини ишга тушириш лойиҳалари йўлга қўйилиш арафасида.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш орқали туман “Темир дафтар”идаги 100 нафар фуқаро, “Аёллар дафтери”даги 3 082 нафар хотин-қиз ҳамда “Ёшлар дафтери”даги 6 428 нафар йигит-қизнинг аксарияти иш билан таъминланади. Бунга қўшимча тарзда,

“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг талаби асосида айримлариға тикув машинаси, баъзиларига турли ишлаб чиқариш ускуналари, қолганларига эса 20 тадан товук катаги, икки ойга етадиган озуқаси билан етказиб берилмоқда. Фуқароларни иш билан таъминлашда фаолиятини қайта тиклаган ҳамда янги иш бошлаган тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Ишлаб чиқариш ҳажми оширилади

Ана шундай ислохотлар эпкинни Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида ҳам шиддат билан кечмоқда. “Қизил” тоифага киритилган туманда дарҳол худудни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Унинг 2020 йил охирига келиб, “сарик” худуд тоифасига ўтказилиши бу борадаги ишларнинг фақат қозғозда эмас, балки амалда бажарилганини тасдиқлайди.

— Бундай натижага, аввало, тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш

орқали эришдик, десам адашмаган бўламан, — дейди Музработ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуғани Очилдиев. — Жумладан, туманда 2020 йилда 376 та янги тадбиркорлик субъекти очилиб, 25,7 миллиард сўмлик қўшимча саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ушбу қорхоналар ҳисобига 748 та янги иш ўрни ташкил этилди. “Ноль” ҳисобот топширган 157 та, вақтинча ишламай қолган 33 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланди. 177 та қорхонага 33,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, тўлиқ қувватларда ишлаши учун имкониятлар яратилди. Қиймати 103,2 миллиард сўмлик 44 та лойиҳа ишга туширилди. Натижада Музработ туманида 2019 йилда тадбиркорлик субъектлари 902 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 1 257 та, жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра эса, 1 335 тага етди. Ўтган вақт давомида туманда жами 1 517 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Чиндан ҳам эришилган натижалар сезиларли салмоққа эга. Биргина мисол: худудда ўтган йили тадбиркорлик кўрсаткичи 65,9 фоизни қўрсатган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу рақам 95 фоизга етди. Айни пайтда худудда 230 та саноат қорхонаси фаолият юритапти. Туманнинг “Шаффоф” МФЙ худудида ташкил этилган кичик саноат зонасида қиймати 3 миллиард 154 миллион сўмлик 3 та лойиҳа ишга туширилган. 2021 йилда 1 миллиард 927 миллион сўмлик яна шунча лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошишига эришилади.

Туман географик жойлашуви жиҳатидан қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қўлай. “Музработ Эссе” МЧЖ ана шу имкониятдан фойдаланиб, қиймати 1 миллиард сўмлик пишган гишт маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга туширди. Қорхона йилгига 4 миллион донга пишган гиштни бозорга чиқариш қувватига эга бўлиб, бу орқали 30 га яқин иш ўрни яратиб, бюджетга қўшимча 400 миллион сўм маблағ туширилган.

143 минг 500 нафар одам истиқомат қиладиган Музработ тумани аввалги йилларга нисбатан ривожланиб бормоқда. Худудда банд бўлган 54,1 минг кишининг аксарият қисми тадбиркорлик субъектларида ишлайди. Янги қорхоналар ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилиши ҳисобига, жорий йил 1 май ҳолатига кўра, “Темир дафтар”га киритилган 2 474 та оиланинг 2 839 нафар аъзоси бандлиги таъминланди. Кам таъминланган оилаларга ёрдам сифатида парранда ҳамда асалари оиласи етказилиб, ихчам иссиқхоналар қўриб берилляпти. Ёшлар, аёллар турли йўналишлардаги меҳнат турларига жалб қилинмоқда.

2020 йилда худудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 122,8 фоиз, худудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 231,1 фоиз ҳамда бошқа тармоқларда ҳам кўрсаткичлар бир неча баробар ошган бўлса, бу йил “яшил” худудлар тоифасига кириш мақсади қилинган.

— Жорий йил учун умумий қиймати 764 миллиард 608 миллион сўмлик 17 та инвестиция лойи-

ҳасини амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилган, — дейди Абдуғани Очилдиев. — Бунга ташаббускорларнинг ўз маблағларидан ташқари, тижорат банклари кредитлари, хорижий инвестиция маблағлари жалб этилди. Лойиҳаларнинг асосий қисми саноат қорхоналари, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳиссасига тўғри келиб, уларни ишга тушириш орқали жами 1 170 дан зиёд янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Ушбу қорхоналар ҳисобидан қўшимча 350 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, бюджетга 3 миллиард 251 миллион сўм маблағ туширилишига замин яратилди.

Туманга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича 3 йиллик дастур ҳам ишлаб чиқилган. Режага кўра, жорий йилда 13,5 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилади.

Йирик лойиҳаларни амалга оширишда Музработ туманининг “Аппомиш” маҳалласида қурилиш режалаштирилган “Ёшлар кичик саноат зонаси” ҳамда қўлай инфратузилмага эга “Орият” ва “Музработ дарвоза” МФЙ худудида 9,5 гектар майдонда барпо этиладиган 2 та янги кичик саноат зонаси “драйвер” вазифасини ўтайди.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

Хаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуг бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша барҳаёт яшайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҒАЛАБА БОҒИ ФАЛСАФАСИ



Қиём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари
доктори, профессор

Шу кунларда барчамиз Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан таъсирланиб, қаҳрамон, жумадар аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланиш ҳиссини туйиб яшаётимиз.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида “Ғалаба боғи фалсафаси” тушунчаси ва шу номдаги китоб-альбом чоп этилганига алоҳида аҳамият қаратгани ҳам бежиз эмас. Зеро, инсоннинг ҳар қандай ҳаракати ва фаолияти замирида муайян ғоя ва фалсафа ётиши одам авлодларининг ажралмас хислати, жамият тараққиёти ва ижтимоий тафаккурининг азалий қонуниятидир.

Ғалаба боғи ана шу фалсафий қонуниятнинг яққол ифодаси, янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг муҳим тимсолларидан биридир.


Кўплаб янги тарихий маълумотлар ва ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида барпо этилган, “Матонат мадҳияси”, “Мангу жасорат”, “Кўз ёши” ёдгорлик мажмуалари ҳамда



фаси, мазмун-моҳияти, ўрни ва аҳамияти тарихий ҳужжатлар асосида талқин этилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Акмал Саидов қаламига мансуб бу асарда Ғалаба боғининг фалсафий моҳиятида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшгани ўзининг ёрқин ифодасини тоғани алоҳида таъкидланган.

Боғ экспонатлари уруш даврида республикаимиз фронт учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак,



лодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир муҳим тушунча ва тамойиллар ҳам ўзига хос тарзда акс этган.

Бешинчидан, Ғалаба боғи ташриф буюрган ҳар бир кишини тирикликнинг қадрига етиш, тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғидай асрашга чорлайдиган маънавий макондир. Шу маънода, унинг фалсафасида тинчлик ва эзгулик, барқарор ривожланиш ғояларига содиқ бўлишга мангу даъват мурожат.

Бу фалсафанинг ҳар биримиз учун муҳим бўлган мазмун-моҳияти, тарихийлиги ва замонавийлиги, умуминсоний, минтақавий ва миллий жиҳатлари, алоҳида, индивидуал хусусиятлари ҳам Президентимиз томонидан асослаб берилган.

Унинг тарихий ва умуминсоний жиҳати уруш балосининг барча замонларда ҳам бутун башарият учун катта хавф-хатар, мислсиз йўқотишлар, вайронагарчилик ва улкан қабохат эканини тасдиқлайдиган кўплаб манбалар, далиллар ва рақамларга таянади. Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, кейинги 5,5 минг йил мобайнида инсоният 15 мингдан ортиқ катта-кичик урушни бошидан кечирган, 3,5 миллиард киши ҳалок бўлган. Агар ана шу даврдаги сарф-харажатларни олтинга айлантириш ва ундан камар ясашнинг иложи топилганда эди, унинг эни 100 метр, қалинлиги 10 метр, узунлиги эса Ер шарини икки марта айланиб чиқишга етган бўларди. Сайёрамиз ахли 55 аср давомиди бор-йўғи 300 йил, яъни ҳар юз йилда бир ҳафтагина тинчлик-омонликда яшай олган, осийишта умргузаронлик қилган, ҳоло.

Ғалаба боғи ва унинг фалсафасида миллионлаб бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлган, мислсиз йўқотиш ва талафотларга олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли қирғин бўлгани ҳам яққол ифодаланган.

Президентимиз таъкидлаганидек, 6 йил давом этган бу қонли урушда ўша пайтда дунёдаги мавжуд 73 та давлатдан 62 таси, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизи иштирок этгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги 40 та давлатни бевосита қамраб олган уруш ҳаракатларига 110 миллион киши сафарбар этилгани ва бу қирғинда жами 70 миллион киши ҳалок бўлгани ҳар қандай одамни ларзага солади.

Хуллас, умуминсоний жиҳатдан Ғалаба боғи фалсафаси башарият ўтмишининг узоқ давларидан бошланиб, янги замоннинг ибтидоси деб аталадиган XX аср ҳамда ундан кейин рўй берган тарихий ва замонавий воқеаларга асосланади. Унда, аynиқса, Иккинчи жаҳон уруши мислсиз йўқотишлар, ҳадисиз-хисобсиз қабохат ва залолатлар тимсоли сифатида инсониятнинг тарихий хотирасида қора доғ бўлиб қолгани аниқ-тиниқ исботини топган.

Айни пайтда ушбу фалсафада мазкур воқеанинг миллий жиҳати, яъни инсоният тарихининг энг оғир, энг мудҳиш бир даври — Иккинчи жаҳон уруши келтириб чиқарган мислсиз даҳшатларни ениб, эришилган буюк ғалабага улкан ҳисса қўшган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг жасорати ва матонати ҳам тўла-тўқис ифодаланган. Давлатимиз раҳбари келтирган янги маълумотларга кўра, ўша йилларда мамлакатимизда яшаган 6 миллион 800 мингдан

зиёд кишидан 2 миллионга яқини урушда қатнашган, 500 мингдан зиёди жанг майдонларида ҳалок бўлган. Айни пайтда, 200 мингдан зиёд ватандошимиз жанговар ордон ва медаллар билан мукофотланган, 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70 нафардан ортиғи учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлган. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг ниҳоятда оғир талафот кўриб, буюк ғалабага беқиёс ҳисса қўшганини яққол тасдиқлайди.

Президентимизнинг 2021 йил 20 апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди таъкидланганидек, халқимизнинг тарих саҳифаларига ўчмас ҳарфлар билан битилган бундай мардлиги ва матонати, олижаноблиги, меҳр-муруввати ва юксак маънавияти барчамизнинг қалбларимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаган, фарзандларимизни ватанпарварлик ва аждодлар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашда илҳомлантириб келмоқда. Зеро, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода, мардлик намоён этиб, бугунги тинч-осойишта кунларимиз учун жонини фидо қилган жасур юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини эъзозлаш ва фахрийларимизнинг ҳурмати-ни жойига қўйиш юртимизда эзгу аъёнга айлانган.

Президентимиз боғ ҳудуди ва “Шон-шараф” давлат музейи экспонатларини кўздан кечириб, ушбу музей Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага улкан ҳисса қўшган халқимизни тараннум этишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозимлигини таъкидлар экан, уни янада ривожлантириш

га доир тақдирларни ҳам илгари сурди. Ушбу музейни том маънодаги халқ музейига айлантириш, у жонли ва ҳаётий маскан бўлиши зарурлиги, уни ҳақиқий халқ зиёратгоҳига айлантириш учун барча зарур чораларни кўриш, ёш авлодларимизни ҳарбий ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялайдиган халқчил ҳамда замонавий маърифат масканига айлантириш, тарих ва ҳаётнинг уйғунлиги, бирдамлигини тиклашга хизмат қилиши лозимлиги борасидаги фикрлар мазкур ташаббусларнинг асосий мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Шу нуқтаи назардан Ғалаба боғи мажмуаси ва унинг фалсафасида акс этган яна бир жиҳат шундаки, мазкур маскан фақатгина Ватан учун қурбон бўлганлар хиебони эмас, балки тирикларни уруш балосига нисбатан доимо хушёр ва сергак бўлиб туришга чорлайдиган мангу оғохлик рамзидир. Унда ҳар биримиз учун ўрнак бўладиган қаҳрамон боболаримиз ва момоларимиз, ота-оналаримизнинг муборак тимсоли акс этган. Бу эса, ўз навбатида, янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини куришда таянч ва суянч бўладиган ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим тарихий ҳамда маънавий омилларидан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида мазкур соҳада Хотира ва қадрлаш кун и арафасида амалга оширилган муҳим ишлар қаторида “Ғалаба боғи фалсафаси” китоби чоп этилгани алоҳида қайд этилган. Ушбу асарда Президентимиз тафаккурининг меваси ва ташаббусларининг яна бир натижаси бўлган Ғалаба боғи мажмуаси, унда ўз ифодасини топган ғоялар бутун буй-баста билан акс этган. Ғалаба боғи фалса-

қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб берадиган муҳим таъминот марказларидан бирига айланишдан далолат беради. Бу борада, аynиқса, юртдошларимиз жанглар давом этаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга қўчирилган 1,5 миллиондан ортиқ кекса, аёл ва 250 мингдан ортиқ болани барига олиб, уларга беқиёс ғамхўрлик кўрсатгани билан боғлиқ китобда акс этган боғ лавҳалари асл ўзбек фалсафасининг миллий мезонларини ўзига хос тарзда ифодалайди.

Булارнинг барчаси эса Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланган: “**Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуг бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша барҳаёт яшайди**” деган концептуал ҳулоасанинг фалсафий моҳияти нақадар чуқурлиги ва пурмаъно мазмунга эгалигини англатади.

Бугун халқимиз ўз Президенти бошчилигида янги Ўзбекистонни барпо этмоқда. Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳар биримиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб қилмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва осийишталикни асраш, жамиятимиз барқарор ривожини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бирига айланди.

Айни пайтда бу ҳар биримизнинг амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар жараёнидаги масъулиятимизни чуқур англашимиз лозимлигидан далолат беради.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”

ИШ СЎРАГАНГА – ИШ, ҲУНАР ИСТАГАНГА – ҲУНАР



Нодир АБДУҚОДИРОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари

Ёшлик палласи бежиз ҳаётнинг энг гўзал даврига менгзалмайди. Зеро, ўз олдида катта орзу-мақсадларни қўйган навқирон авлод бутунданоқ келажак режаларини белгилаб, мамлакатимизда ўзлари учун яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Жумладан, давлат эътибори ва рағбатига муҳтож ёшлар қатламининг ҳам мавжуд шароитдан самарали фойдаланишига кўмаклашиляпти. Ёшлар таъқилоти бундай йигит-қизларнинг эзгу ўй-ниятларига билвосита таъсир кўрсатиб, жамиятда муносиб ўрин топишга ҳисса қўшаётир.

Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини бошлашда молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида янги тизим йўлга қўйилган. Ушбу қатлам учун маълумотлар базаси — “Ёшлар дафтари” шакллантирилган бўлиб, унга кирганлар билан алоҳида манзилли ишлар олиб борилмоқда.

“Хўш, мазкур рўйхатга қанча ёш киритилган?”, “Уларга қандай амалий ёрдам берилляпти?”, “Натихадорлик қай

даражада?” каби саволлар кўпчилиكنи қизиктириши табиий.

Шу кунгача Ёшлар ишлари агентлиги ходимлари масъул вазирлик ҳамда идоралар вакиллари билан бирга республикаимиз бўйича 8 минг 714 та маҳалладаги қарийб 6,5 миллионга яқин ёшнинг 5,5 миллиондан ортиғи билан бевосита мулоқот ўтказди. Йигит-қизларга қулоқ тутилди, орзу-ниятлари, режалари тингланди. Шунга қараб мақсадли манзиллар белгилаб чиқилди.

Айни пайтда мамлакатимизда 672 минг 970 нафар ўн саккиз ёшга тўлган

ва ўттиз ёшдан ошмаган, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий ва психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар, ишсиз йигит-қизлар “Ёшлар дафтари”га киритилган.

Ҳар бир ёш билан олиб борилган мулоқот, албатта, тахлил қилинади. Улар дуч келаяётган ва ёшларни ўйлантираётган масалалар ечими кўриб чиқилади. Хусусан, рўйхатга киритилган йигит-қизларнинг муаммолари тахлил қилинганда 300 мингга яқин ёшни бандлик масаласи қийнаётгани маълум бўлди. 1 апрель ҳолатига кўра, мазкур ёшлардан 271 минг 495

нафари иш билан таъминланди. Шунингдек, беш мингдан ортиқ ёш субсидия ажратилиш ва ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси орқали иш билан банд қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятига қизиққан, аммо дастлабки сармояга эга бўлмаган 108 мингдан ортиқ ёшдан 33 минг 348 нафарига 813 миллиард 729 миллион сўм кредит ажратилди. Қувонарлиси, тадбиркорлик фаолияти натижасида 32,5 мингта янги иш ўрни очилди.

Мулоқот ва учрашуларда “Ёшлар дафтари”га киритилган 75 минг 113 нафар йигит-қиз тадбиркорлардан соҳа сирларини ўрганиш ниятида эканини айтган. Шунингдек, 35,5 мингга яқин ёш уста-ҳунаرمандларга шогирд тушиш истагини билдирган. Уларнинг тақлиф ва ташаббуслари инобатга олиниб, “Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор” тамойили асосида ҳамда “Устоз-шогирд” аъёнаси доирасида 27 мингдан ортиқ йигит-қиз тадбиркор ва хунаرمандларга бириктирилди.

Яна, 76 минг нафарга яқин йигит-қизнинг касб-хунари ва тадбиркорлигини ўқув курслари орқали ўрганиш истагида экани аниқланган. “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида 62 мингдан ортиқ ёш касб-хунари ва тадбиркорликка ўқитилди. Бундан ташқари, 163 минг 176 нафар ёшга 45 минг 329 гектар ер ажратилди.

“Ёшлар дафтари”га киритилган 84



минг 209 нафар йигит-қизнинг ижтимоий, иқтисодий ва психологик ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб, 16 мингга яқинининг муаммолари ҳал этилди.

Бу саъй-ҳаракатлар ёшлар орасига кириб боришнинг янгича механизми ўзининг ижобий натижасини бераётганидан дарак. Кўплаб йигит-қизларнинг бандлиги таъминланяпти, яна қанчаси касб-хунарни бўляпти. Умумий ўрта таълим муассасасини тамомлаган, бироқ олий ўқув юртига ўқишга қиролмаган йигит-қизнинг бугун қўлида хунари бор, ризқ унайдиган манбаси тайин. Ҳатто замонавий касблар — SMM

(Social Media Marketing) менежери, IT мутахассиси, график дизайнер, дастурчи, копирайтер ва бошқа соҳаларни ўзлаштириб, даромад топаётганлар ҳам бор. Эътиборли жиҳати, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга ушбу касб-хунари сирлари бепул ўргатилади, ўқув курслари ҳам текин. Хўш, бунинг эвазига ёшлардан нима талаб этилмоқда? Қўнт билан ўрганиб, билдирилган ишонч ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда айни куч-ғайратга, шижоатга тўла паллада мақсадни, келгуси ҳаёт йўлини тўғри белгилаб олиш, ҳоло.

МАРК РИЗ ҲАЙРАТЛАРИ

Ҳайрат кўдан тушмайди, ердан чиқмайди. У кўздан кўнгилга, кўнгилдан кўзга ўтувчи ва беихтиёр тилда ўз ифодасини топувчи, фақат инсонгагина хос туйғу. Аввало, билган, яна билишни истаган, доимо изланган ва бу йўлда қутилмаган мўжизаларга рўбарў келган одам ҳайратланади. Гапнинг индаллоси шуки, ушбу мақоламиз ўзбек романчилигининг асосчиси, буюк адиб Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини инглиз тилига ўтирган америкалик таржимон, олим Марк Эдвард РИЗнинг яқинда юртимиз ва юртдошларимиздан олган ҳайратлари ҳусусида.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

Дунё турфа, одамлар, жумладан, сайёҳлар ҳам. Ўзбекистонга кейинги 30 йил давомида не-не туристлар келиб-кетмади. Аммо дёғримиз тарихи, қадим қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, тилимизга астойдил қизиқади-ган чет элликлар кўп эмас. Марк Риз, таъбир жоиз бўлса, ана шу санокчилар сафида туради. У мамлакатимизда ишлаш билан бирга, туб аҳолининг энг муқаддас қадриятлари билан танишишга қатъий аҳд қилган. “Ўткан кунлар” романининг таржумаси ўша қатъиятнинг ҳосиласи.

Бу асарни бемалол ўтган асрнинг илк чорағидаги “Ўзбек миллатининг характеристикаси” дейиш мумкин. Ўзбек оталар — Юсуфбек ҳожи ва Мирзакарим қутидор, ўзбек оналар — Ўзбек-ойим ва Офтобойим, ўзбекнинг фарзандлари — Отабек, Қумуш, Зайнаб... Улар ҳақиқатан ҳам неча-нечаб Марк Ризларни асир улоқ эта олади. Маркнинг ўзи бекиз: “Мен Ҳасаналини яхши кўриб қолдим” ёки “Ҳомид ўлганида қувондим”, деб айтмайди, ахир.

Марк Эдвард Риз яқинда Ўзбекистонимизда бўлиб, 13 кун турфа манзилу маконларга сайр қилди, бир қанча тадбирларда қатнашди. Масалан, “Ўткан кунлар”нинг инглиз тилидаги наشري тақдими то мутаржим иштирокида Адиблар ҳиёбонида бўлиб ўтди.

Паркентда илм аҳли, маданий-маърифий соҳа вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Дарвоқе, Марк Риз дунё илм-фанида энг ноёб объектлардан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Содиқ Азимов номидаги “Физика — Кўёш” илмий ишлаб чиқариш бирыла-маси Материалшунослик институтидаги “Катта кўёш печи”ни кўришни мақсад қилган эди.

Сайёрамизда атиги иккита йўлдан (биринчиси 1969 йилда Францияда қурилган) бу ноёб қурилма юртимизда 1987 йилда бунёд этилган. Марк Ризнинг биз гувоҳ бўлган дастлабки ҳайратлари ушбу илмий объект жамоаси ва “Кўёш” қўргонига жойлашган 29-мактабнинг бир гуруҳ кўвчи ҳамда ўқитувчилари билан бўлган учрашувдан бошланди.

СУҲБАТ САОДАТИ

Дастлаб сўз хорижлик меҳмонга берилди. — Мен ўзбекларни, Ўзбекистонни жуда-жуда яхши кўраман, — деди у самимий. — Меҳмон-дўст, муҳими, оқўнгил халқ. Одамлари оқибатли, ота-онасига ҳурмати бўлача, айтаверсам, яхши хислатлари, фазилатлари бисёр. Сизлар билан сўрида чордана қуриб ўтириб, чой ичиб, палов еб, суҳбатлашишни ёқтираман...

Маркнинг бу каби сўзлари ҳаммамизнинг кўнгилмизни узилмас ип билан боғлади гўё. Вужудимиз кўлоққа айланди, уни берилиб тингладик.

— Таржимонлик фаолиятим ҳақида сўзлаш-дан олдин мен ҳурматли Президентингиз Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлигимни билди-роқчиман, — давом этди америкалик меҳмон. — Дунё кезган одам, ҳам сиёсатшунос, ҳам ёзувчи сифатида бемалол айтишни мумкинки, ҳеч бир мамлакат раҳбари ижод ва илм аҳлига Ўзбекистон етакчиси каби эътибор қаратмайди, ғамхўрлик қилмайди, қўллаб-қувватламайди. Адиблар ҳиё-бонини кўриб ҳайратда қолдим. Ўзбекистон Ёзу-вчилар уюшмаси биносига кириб, яна лол бўлдим. Буларнинг барчаси бир инсон — Президентингиз номи ва ташаббуси билан боғланганини билиб, икки қарра қойил қолдим. Очиги, ўзбек ижодкор-ларига ҳавасим келиб кетди.

Мени Паркентдаги “Катта кўёш печи” қурилма-сининг улуғворлиги, толлар бағрида ястанди ту-риши ҳайратга солди. Бундай азим иншоот ҳатто Америкада ҳам йўқ! Бино ичига кирибко, унинг жо-зибаси, меъморий ечимни кўрарканман, бундай масканни қўрганларга “Тасанно!” дегим келди. Ростдан ҳам, Ўзбекистон илму ҳикмат мамлақати-га айланиб бормоқда.

Раҳматли устозим, таниқли немис турколог олими, профессор Элсворт Тайерс ўзбек халқи-ни яхшироқ билишни истасанг, “Ўткан кунлар” романини ўқиб чиқ, деган эди. Аввалига асар-ни тушунишга қийналдим, албатта. 2005 йилда Африконида бўлганимда, китобни қайтадан ўқиб чиқдим. У ерда икки ярим йил давомида бўш вақтларимда лугат титқилаб, аста-секин асарни ўз тилимга таржима қила бошладим. Таржима жара-ёнида Индиана университети профессори Умида Ҳикматуллаева билан ҳамкорлик қилдим. Баҳона-да уйғур ва форс тилларини ўргандим. Асарнинг 1926 йилдаги араб имлосидан қирилчага ўтирил-ган вариантини таржима қилдим. Чунки аслиятига энг тўғри вариантни шу экан. Қолаверса, Қодирий давридаги Марказий Осиёни, маданий-маънавий, сиёсий-иқтисодий муҳитини тушунтириб бериш учун таржимага 450 дан зиёд изох қўшишимга тўғри келди. Ўзбек тилшунослари ва адиблари

уни кўриб чиқиб, таҳририда ёрдам беришди. Бу-нинг учун, албатта, улардан миннатдорман. Машаққатларим юзага чиққан куни ўзимни жуда бахтли ҳис этдим. 2019 йилнинг 27 декаб-рида Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихона-сида “Ўткан кунлар” романининг инглизча наشري — “Bygone days” китобининг илк тақдими бўлиб ўтди. 15 йиллик меҳнатимнинг ҳосиласи бўлган мазкур китобни қўлимга олгандаёқ заҳматларим унутилди. Ўзимнинг асарим нашр қилингандек қувондим. Китоб АҚШда давлат ташкилотлари, етакчи университетлар ва АҚШда аккредитация-дан ўтган дипломатик корпуслар вакиллари-га тарқатилди. Шунингдек, у менинг юртимдаги энг йирик зиё маскани — Конгресс кутубхонаси ка-талоғига ҳам киритилди. Асарни e-book шаклида интернет тизимига жойладик. Ҳозир “Bygone days” китоби машҳур “Амазон” компанияси томонидан интернет орқали сотилмоқда. Эшитишимча, айни пайтда 400 нафар талаба китобни харид қилиш истагини билдирган. Аммо камина талабаларга китоб сотмайман, бепул бераман.

Ҳозир Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи ва “Обид кетмон” қиссаси таржимала-ри устида изланялман. Бундан ташқари, Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” қиссасини ҳам яхши кўра-ман. Бугунги ўзбек адабиётида айрим истеъдодли ижодкорларнинг асарлари инглиз тилига таржима қилинса, дунё китобхоналри томонидан севиб ўқи-лиши аниқ.

Давлатингиз раҳбари, жаноб Шавкат Мирзиёев менинг камтарона хизматларимни юксак қадрлаб, эътироф этганида бошим осмонга етди. Айниқса, юксак муқофот — “Дўстлик” орденига муносиб қўрилганимдан жуда хурсандман.

Яна бир қувончи хабарим — қўни кеча Ўзбе-кистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзоллигига қабул қилиндим. Бу ишонч ва масъулиятни оқлаш учун яна ҳам кўпроқ меҳнат қилмоқчиман. Сизга бир истагимни айтсам — агар имкон тополсам, Тошкент шаҳрига кўчиб келаман. Чунки рафиқам ҳам Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридан!



МЕҲМОН ЭЪТИРОФИ: ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН УЧУН!

— Китоб тақдими ўтгач, Ўзбекистон Президентига мактуб йўладим. Унда шундай фикрларни билдирдим: “... Ҳар қандай катта иш синағари роман таржимаси ҳам улкан шахсий сафар-барликни талаб этди. Менинг умидим ва ишончим шундаки, қанондир ўғлим бу китобни қўлга олар экан, унинг отаси Ер юзиде шунчаки умрғуздорлик қилмагани, балки недир қимматли бир ишни адо этиб кетганини аналайти. Сиз ҳам ота сифатида айни шундай ҳиссиётни ҳис қиласиз, деб ишонаман...”

Сизне номингизга хат ёзиш мен учун кат-та шараф бўлгани учун сўзимнинг нўҳоясида айтмоқчиман: Раҳмат. Сиз намоевн этаётган характер ва етакчилик салоҳиятидан мен ҳай-ратдаман”.

Марк Риз шу дақиқаларда жўшиб-ҳаяжонлиб юракдан гапирдики, шундай мамлакатимиз бори-лигидан яна бир қарра фахрлиниб кетдик.

— Бугун Ўзбекистонда бўлаётган ислохотлар Қодирийларнинг армонлари эди. Мана, улар би-рин-кетини ушаламоқда, — деди Марк. — Аслида бу ўзгаришлар кўпроқ сиз ўзбекистонлик ёшлар учун, сизнинг келажагингиз учун амалга оширилмоқда.

Ёшларимиз ҳам ўз навбатида инглизчада бур-ро-бурро гапириб, Марк Ризга саволлар берди. Хусусан, Жаҳона Абдуқаҳҳорова моҳир таржи-монга ташриф учун ташаккур айтиб, “Ўткан кун-лар”ни мутолаа қилганингизда кўзингизга ёш кел-ган пайтлар бўлганини, деди.



Бунга жавобан Марк “Офтобойимнинг қизи ётган қабрини кўчиб, уввос солганида, буни кўриб қутидор ҳам пиқ-пиқ йиғлаганида қўзим ёшга тўл-ган. Отабекнинг абадий ҳижрон ва алам доғидан қутулолмай туни билан мозорда қолиши... Бу ҳо-латлар ҳар қандай кишини ҳам ларзага солади, йиғлатади”, деди.

Учрашувда Абдулла Қодирийнинг набираси Хондамир Қодирий ҳам ўз дил сўзларини айтди.

— Марк Риз билан қарийб 20 йилдан бери та-нишман. Китобнинг асл, яъни қисқартирилмаган вариантини таржимонга ўзим топиб берганман. Марк Риз эса бобомизнинг романини фидойиллик билан таржима қилиб, асарни маълум маънода дунёга олиб чиқди. Чунки энди “Ўткан кунлар”ни бошқа исталган тилга осонлича таржима қилиш мумкин. Пандемия бошланишидан сал аввал уйимизга Австралиядан эр-хотин сайёҳлар ке-либ қолишди. Ажабландик. Чунки уй-музейимиз очилганидан буён бирор марта ҳам чет элликлар келмаганди-да. Буни қарангки, меҳмонлар айнан Марк Риз таржимасидаги “Ўткан кунлар”ни ўқиб, Отабек ва Қумушнинг аянчли қисматида қаттиқ таъсирланибди ва ёзувчи яшаган уйни кўрамир, деб Тошкентга келган экан. Чиндан ҳам, бадий асарларимиз, бадий фильмларимиз қанча кўп оламга чиқса, мамлакатимиз ҳам шунчалар кўп эътиборга тушади, сайёҳларни ўзига тортаверади. Президентимизнинг Абдулла Қодирий таваллу-фи



дининг 125 йиллиги муносаба-ти билан қабул қилган қарори, бунёд этилган Қодирий номи-даги ижод мактаби, кутубхо-на, уй-музей ва бошқалар биз кутгандан ҳам кўпроқ эътибор намунаси бўлди. Том маънода, бобомизнинг асарлари дунёга чиқиши учун янги Ўзбекистон-нинг янги йўли очилди. Бу йўл-ни жадид аждодларимиз бой миллий меросига очилган маъ-рифат йўли, деса ҳам бўлади. Яна шунини алоҳида таъкидлаш-ни истардимки, давлатимиз раҳбарининг бундай эътибори бизнинг ҳам зиммасизга ҳақли масъулиятларни юклайди...

Ҳа, Марк Риз билан “Физи-ка — Кўёш” ИИЧБ Материалшунослик институ-тининг “Катта кўёш печи” жойлашган объектидаги мулоқот шундай жонли, шундай ҳаяжонли ўтди...

ЎЗБЕКИСТОН ҚУЁШИНING ҚУДРАТИ

Дарвоқе, “Катта кўёш печи” жойлашган ноёб ил-мий объект денгиз сатҳидан 1100 метр баландда жойлашган. Мажмуа директори Одилхўжа Парпиев илмий объект салоҳияти ҳақида сўзлади. Қуёшдан тушаётган нурни бир жойда жамлаб, юқори дара-жада ҳарорат йиға оладиган мосламаларни кўриш учун лифтда 57 метр баландга қўтарилдик.

Катта қуёш қурилмаларини яратишдан асосий мақсад кам энергия сарфлаб, юқори ҳароратта эришиш (3000 °C гача), ундан фойдаланиб космик аппаратларнинг композицион ҳимоя қобикларини синовдан ўтказиш, ўта соф металл ва қотишма-лар олиш, янги материаллар яратиш кўзда ту-тилган. Бугун ҳам, албатта, ундан самарали фой-даланиш ва янги материаллар яратиш соҳасида илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, 2019-2020 йилларда Россиянинг Ави-ация материаллар институти билан ҳамкорликда космик учиш аппаратлари композицион ҳимоя қо-бикларининг экстремал ҳолатларда (2000 °C дан ортиқ) бардошлилигини ўрганиш бўйича тадқиқот-лар олиб борилди. Ҳимоя қобиклари 800–2200 °C ҳарорат оралигида текшириб кўрилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Россияда ёки бошқа давлатларда бундай нозик тадқиқотлар ўтказиш катта маблаг (соатиға 5000 АҚШ долларигача) ва узок вақт тала-б этиди. Россиялик физикларнинг тақлифига асосан, Материалшунослик институти олимла-ри янги композицион ҳимоя қобикларини ишлаб чиқиш жараёнига жалб қилинди.

Замонавий технологияларнинг, жумладан, мик-роэлектроника, электротехниканинг ривожланиши уларнинг ҳажми ва оғирлигини қамайтириш, энер-гия ва маълумотлар тезкорлик билан узатилишига катта талаблар қўймоқда. Бундай талабларга жа-воб берадиган материаллар ўта соф металл ёки аралашмалардан тайёрланади, бу эса, ўз навба-тида, уларнинг таннархи орттишига олиб келади. Гап шундаки, металл ёки аралашмалар эритилган-да керакли ҳароратга эришиш учун газ, кўмир ёки бошқа энергия воситалари қўлланади ва эритма тарқибига турли аралашмалар ўтиб қолади. Ме-талл ёки аралашманинг сифати пасаяди. Қуёш қу-рилмаларида эритилган материаллар таркибида эса айнан шундай аралашмалар бўлмайди.

Жанубий Кореянинг Саноат технологиялари институти (KITECH) ва мазкур маскан ўртасида шундай материаллар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш бўйича келишув имзоланган.

Қўйиб пайвандланадиган (пўлат, титан, никель, алюминий ва унинг қотишмалари) металлларга қўллаш учун 9 номдаги махсус кукун-флюслар яратилган. Синов натижа-ларига кўра, аргон-ёйли пайвандлаш жараёнида материал сарфи 3 баро-бар камайган, пайванд-лаш вақти ва энергия сарфи 2 баробар қисқар-ган. Энг муҳими, пайванд-лаш чокларининг сифати ва мустаҳкамлиги кескин ортган. Айни кез КИТЕСН билан ҳамкорликда янги материалларни Корея-нинг кemasozлик корхо-наси (Hyundai Shipping) да синашга тайёргарлик қўрилмоқда.

Ҳозир, институт олим-лари ўта ўтказувчан ма-териаллар яратиш соҳа-сида ҳам изланмоқда. Бундай манбадан тай-ёрланган ток ўтказувчи материал оддий мис сим асосли электр кабелига нисбатан 20 баробар кўп ток ўтказиши мумкин. Демак, ток узатилишидаги йўқотишлар ҳамда электр кабелларининг қизиши ёки ёниб кетиш хавфи ҳам анча камаяди.

Шунингдек, институтда қишлоқ хўжалиги сама-радорлигини ошириш технологияларини яратиш устида ҳам илмий изланишлар олиб борилади. Иссиқхоналарга сарфланадиган энергия (электр, газ, кўмир ва ҳоказо) сарфини қамайтириш, улар-нинг самарадорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида Материалшунослик институти олим-лари томонидан нанофаол керамика қўшимчали плёнка яратилган.

Мазкур плёнкалар Тошкент, Фарғона ва Жиззах

вилоятларидаги иссиқхоналарда синалганда, иссиқхоналарга сарфланадиган энергия 60-65 фоизгача камайиб, ҳосилдорлик 30-50 фоизгача ортгани кузатилади. Ҳозир бу инновацион плёнка-лар ишлаб чиқариш технологияси “Жиззахпласт-масса” АЖда саноат тажрибаси тарзида жорий этилган.

Бугун иссиқхоналар учун нанофаол қўшимчали плёнкалар билан бирга, қуёш концентраторлари-дан фойдаланиб, дашт ва чўл ҳудудларида ҳосил олиш ёки сув билан таъминлаш муаммосини ўзи-га сув ва нам тортувчи гидрогеллардан фойдала-ниш орқали ҳал этиш тавсия қилинмоқда.

Мухтасар айтганда, бу даргоҳга келган инсон янги Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Юртимизнинг замона-вий фан-техника ютуқларидан унумли фойдала-ниб, инновацион гоғларга асосланган, тараққий этган, ўз йўли ва имконияти, қудратига эга бўлиб бораётган давлатлар сафига қўшилаётганига амин бўлади. Айни пайтда Марк Ризнинг ҳайрат-лари бунинг ёрқин далилидир.

ЕРДАГИ ЖАННАТ БОҒЛАРИ

Меҳмон билан баҳаҳо Қумушқонда тушлик қил-гач, Заркент қишлоғига йўл олдик. Манбага кўра, 135 минг аҳолиси бор туман аҳлининг 12 минги шу қишлоқда истиқомат қилади.

Ўзбекистон узумининг дунёга машҳур бўлиши-да заркентлик боғонларнинг ҳиссаси, меҳнати беқиёс. Очиги, республикаимиздаги узум етишти-радиган барча вилоятларни айланиб чиқиб, зар-кентликлар бунёд этган узумзорларга тенг келади-ганини топиш мушкул. Бу каминингиз эмас, балки мамлакатимиздаги энг тажрибали боғонларнинг, чет эллик мутахассисларнинг эътирофи. Шу маъ-нода айтсак, қишлоқ соҳибкорларининг қайвониси, собиқ ширкат хўжалиги раиси, марҳум Тожибой ота Ризаев ўз пайтида ҳақли равишда “Ўзбекистон Қўхрамони” унвонига лойиқ қўрилганди.

Сулув қизларнинг ўрим-ўрим соңдек бир те-кис таралган узумзорларда етиштирилаётган кишмиш, ризамат, тоифи навлари дунёнинг турли давлатларига экспорт қилинмоқда. Яхши томо-ни, узумлар лалми — сувсиз ерда етилиб пиша-ни боис, узок мuddат ўз шираси ва таранглигини йўқотмайди.

Биз Марк Риз билан шу узумзорлар оралаб юрдик. Пайкаллар бошига тушиб, бу йилги ҳосил қандай бўлишини ўзимизча чамаладик... Меҳмон ҳайрат ичида яшарди — телефонига тинмай су-ратлар муҳрларди.

Ниҳоят, Заркент қишлоғига боришга ундаган асосий объектта, қурилиши 95 фоиз якунига ет-ган, яқин кунларда очилиши қўтилаётган, муҳта-рам Президентимиз ташаббуси билан қалам аҳли учун қурилган 50 ўринли Ижод уйига яқинлашдик.

Бу кутлуг даргоҳдаги муаззамлик, салобат, за-монавий қиёфа, бинонинг ташқи пардози билан ички имкониятлари, шарт-шароитлар, катталар учун, болалар учун алоҳида қўмилиш ҳавзалар-и, ёғзи амфитеатр, табиат қўйидаги шинам ўриндиқлар, чор тарафни айланиш учун солин-ган йўлақлар ва ҳоказолар “Ўткан кунлар” рома-ни таржимонининг шу кундаги ҳайратларининг чўққиси бўлди. Босиш, бошқа бирор мамлакатда фақат ёзувчи-шоирлар учунгина қурилган шун-дай кенг имкониятни Ижод уйи борлигини кўрма-ганмиз, эшитмаганмиз. Буни дунё кўриб юрган, кўп давлатларда бўлган меҳмонимизнинг ўзи тасдиқлади.

Шу тобда “Марҳамат, Қодирий бобонинг “Меҳробдан чаён” романини мана шу масканда яшаб, таржима қилинг”, деган тақлифимиз амери-калик таржимонга жуда ёқиб кетди. Бундай илти-фотга лойиқ қўрилганидан беҳад мамнун эканини айтди...

СЎЗ ЗИЁСИ

Марк Ризнинг ўн уч кунлик сафари давомида Қодирий бобомизнинг нафасини биз ҳам сезиб, ҳис қилиб юрдик. Камина бир америкалик таржи-мон Марк Риз тимсолида ҳаётини, умрини маъ-рифатга, згулик даъватига бахш этаётган оқил, мард инсонни, жасур замондошимизни кўрдим. Унинг мана бу сўзларидан жуда-жуда мутаас-сир бўлдим: “Мен Ўзбекистонда яшаб, ишлаб, “Ўткан кунлар” романини таржима қилиб, англаб етган ҳақиқатим шуки, инсон дарёдиллиги, бега-раз, беминнат меҳмондўстлиги, меҳру оқибати, раҳм-шафқати билан ИНСОН экан. Иссиқгинизи сўрамай, олдингизга дастурхон ёзадиган, тагин-гизга қўрпача тўшайдиган халқ бўлиш учун ўзбек бўлиб туғилиш керак чоғи... Бугун дунёнинг жуда кўпал халқлари, жумладан, менинг ватандош-ларимга ҳам шундай фазилатлар биров етиш-маётгандек. Улар, албатта, Алишер Навоий, Абдулла Қодирийларни ўқизи керак...”

Келинг, ният қилайлик. Илоҳим, Марк Ризнинг юрагидан тўқилган эзгу тилақлар амалга ошсин. Янги Ўзбекистонимизнинг қўнча адабиёти йўлла-ри ёруғ бўлсин. Дунё осмониде, дунё халқлари қалбларида ўзбек сўзининг змиёси кўйшдек ча-рақлаб турсин. Ўз даврининг машҳур шарқшу-носи Е.Бертельс айтганидек, жаҳон адабиётида олтинчи романчилик мактабини яратган Абдулла Қодирийнинг издошлари яратган асарлар бутун она заминимиз бўйлаб кенг қулоқ ёзаверсин!